

*Жубан Мўлдағалиев*

# ЧЎЛ БАҲОРИ

*Шеърлар, дostonлар*

---



ТОШКЕНТ

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981

Редколлегия

С. О. Азимов, Б. Бойқобилов, И. Ғафуров, Ҳамид Ғулом, З. И. Есенбоев, В. И. Зоҳидов, Зулфия, М. Қўшжонов, Мирмуҳсин, Н. Сафаров, Р. А. Сафаров, Р. Файзий, П. Шермуҳамедов, О. Еқубов, К. Яшин, Редколлегия раҳбари.)

Тўпловчи *М. Мирзаев*

Мўлдағалиев Жубан.

Чўл баҳори: Шеърлар, дostonлар,—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—152 б.

Таниқли қozoқ шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати, Қozoғистон Ёзувчилар союзининг секретари Жубан Мўлдағалиевнинг ушбу мажмуасига турли йилларда ёзган энг сара шеърлари, «Салом айтдим» ва «Сел» номли дostonлари киритилди.

Мулдағалиев Джубан. Стихи и поэмы.  
С(Каз)

С(Каз)

М  $\frac{70403-155}{M352 (04)-81}$  123-81 4702230200

## МУАЛЛИФДАН БИР ОҒИЗ СЎЗ

Туғишган халқ тилида китоб чиқариш — муаллиф учун, албатта, улкан қувонч, катта обрў. Аммоки бунинг хиёл хавотирли томони ҳам бор. Яъни, туб томири билан қанча яқин бўлса-да, ҳар бир тилнинг, ҳар бир шеъриятнинг ўз хусусиятлари, ўз дастурлари мавжуддир. Уқувчиларнинг талаблари ҳам бирдек бўлавермайди. Зеро мен ўша Навоий замонидан бери яшаб келаётган ўзбек классик шеъриятининг дурдоналари, Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом сингари ажойиб совет шоирлари поэзиясининг тиниқ чашмасидан баҳра олаётган ўзбек оғайнилариимнинг талаблари юксак даражада бўлишини яхши тушунаман. Юрагимдаги чўчинқираш ҳам худди шу туфайли туғилган бўлса ажаб эмас.

Бироқ асрлар бўйи поэзияни энг табаррук санаб, унга катта ихлос қўйиб келган қозоқ халқи ҳам истеъдодсиз, ўртамиёна одамни оқин деб таниган эмас. Мен ана шу серзавқ халқнинг оқини деб аталиб юрибман.

Шундоқ қилиб мана шу икки жиҳатни назарда тутсак, таржимонларнинг олдида турган вазифа ўз-ўзидан тушунарлидир.

Ўзим ҳақимда бир оғиз сўз айтсам, мен —Советлар юртининг ҳам солдати, ҳам шоириман. Кези келганда қўлимга қурул ҳам олганман, қаламни ҳам шу боисдан тарк этмайман.

Мен ёзмайман ўланни эрмак учун,  
Ўтган-кетган гапларни термак учун,—

деб донишманд Абай айтганидай, мен поэзиямнинг  
гражданлик, курашчанлик руҳида бўлишини истай-  
ман. Ўзбек ўқувчиларига озми-кўпми шу жиҳатдан  
ёқса, бу китобни чиқаришдан кузатган мақсадим  
ушалган бўлар эди.

Совет Ўзбекистони халқига чексиз қувонч, ул-  
кан бахт, тоғдай-тоғдай юксак муваффақиятлар ти-  
лаб, салом йўлловчи —

**ЖУБАН МУЛДАҒАЛИЕВ.**

Июнь, 1980 й.

## ШЕЪРЛАР

### ОНА ЮРТИМГА

Қозоғистон!  
Севимли  
Уйим, туққан элимсан.  
Ошиқ ўйнаб, тўп тешиб  
Мен улғайган еримсан.  
Гулга, нурга бурканиб  
Сенда ўйнаб-кулганман.  
Овозимни саҳарда  
Булбулга жўр қилганман.  
Сен эсимга тушганда,  
Кўнглимдан тарқар булут.  
Танимда ортиб дармон.  
Чарчоғим бўлар унут.  
Сен эсимга тушганда,  
Онам қучоқ очгандай.  
Ёвни қириб ташлайман,  
Жангдан, ўқдан сесканмай.  
Хаёлимдан кетмайсан  
Юрсам ҳам майдонларда.  
Ғалабага бошлайсан,  
Оташинг бор қонларда.  
Келар ўша улуғ кун,  
Ёвни янчиб қайтамиз.  
Бағрингда яйраб-яшнаб  
Умрни шод этамиз.

1942

## А Т А К А,

Соатига қараб бот-бот,  
Ҳисоб ташлар ҳар онга.  
Милтигин тутиб маҳкам,  
Боқар душман томонга.

Атакани кутар йигит,  
Атака — бахт йўлдоши.  
Ғалабага интиқларни  
Бошласа-чи йўлбошчи.

Атакадир эл тақдири,  
Усиз кураш, енгил йўқ.  
Жангчи йигит шуни кутар,  
Ёғса-да сел бўлиб ўқ.

*1943*

## ВАТАН

Сенсан, Ватан, қайда юрмай  
Сигинганим, хаёлим.  
Кўз олдимда кулиб тургай  
Мудом дилбар жамолинг.

Тун тунлигин қилиб, нурнинг —  
Паналай дер эртасин.  
Сен-чи, тонгнинг нурин ёйиб,  
Кўнгил созин чертасан.

Хаёл қуши эл-юрт оша  
Қанот қоқар бетиним.  
Қанча кезсин, қанча кўрсин —  
Ёлғиз сенинг мафтунинг.

Муштдай қалбим уриб турар  
Сенинг улкан кўксингда.  
Улимга ҳам дадил юрар,  
Бир мунг кўрса кўзингда.

Сенинг дўстинг — менинг дўстим,  
Сенга ёвлар—ёв менга.  
Уйда бўлсин, элда бўлсин,  
Тақдирдошман ўзингга.

Мен қувонсам қувонасан,  
Ошнодирсан ғамимга.





## СОГИНДИМ, ЕЙИҚ

Соғиндим, оҳ, сени, Ейиқ, олма боғни.  
Қирғоғингда ўтказганим ёшлик чоғни,  
Тўнкарилган тўлқинингнинг шўхлигидай  
Силқиб-силқиб оқиб ётган муз булоқни.  
Соғиндим, оҳ, сувларингга қармоқ солгач,  
Кумушдайин ялтираган оқ чавақни!  
Сен элимнинг, эркинликнинг шўх ўзани,  
Поёни йўқ кенг кучоғинг, оҳ, мароқли...

Сени десам ёдга тушар туққан ерим,  
Кўркам этдинг сувинг билан боғу қирим.  
Ёдга тушар тенгдошлар-ла кўлиб-ўйнаб  
Кечалари мен елвагай юрганларим.  
Соҳилингда ўйга чўмиб ўтирганим,  
Юрт тупроғин ёдда, кўзга сурганларим.  
Туққан юртнинг тупроғи ҳам, губори ҳам  
Олга ундар экан элнинг жангчиларин.

Оҳ, Ейиғим, яралангач тегиб яроқ,  
Кўз юмгандир ўғлонларинг сенга қараб.  
Тўлқинларинг сўз қотгандай бўлди бизга:  
«Қирғоғимда юрмасин ҳеч ёв оралаб!»  
Ёдда, Ейиқ, мадад бердинг йироқлардан,  
Хужумларга кирганимда сен «урра»  
лаб!

Сен учун ҳам курашдик биз, олдик қасос,  
Найзаларнинг учларидан қон сирқираб.

1944

## Қ У Ш И Қ

Кун кексайиб қуёш ғарбда юрган маҳал,  
Замбараклар наъра тортиб турган маҳал  
Эшитилиб қолди ногоҳ ажиб қўшиқ.  
Томошага келди уфқ, ёниб ял-ял.  
Гумбур-гумбур авжланарди тошиб-тошиб,  
Уни қўшиқ садолари кетди босиб.  
Оқмоқда у, ёқмоқда у юракларни,  
Авжларида, мавжларида севги ташиб.  
Мен аввалдан қўшиқларнинг шайдосиман,  
Тўй-тўйлашиб, маст бўлардим навосидан.  
Соғинганим-суйганимнинг созими, деб  
Илғамоқчи бўлдим уни овозидан.  
«Иртишнинг у томонида бир теран сой», —  
Дея қанот қоқди кўкка «Қора тўрғай».  
Бир мен эмас, роҳат қилиб қуролдошлар  
Тинглашарди, овулимда туришгандай.  
Нақорати бу қўшиқнинг «Ойим-ойим»,  
Ким экан бу сеҳрга бой, сўзи майин?  
Ким бўлса-да, қўшиқ айтган тилларига —  
Жоним садқа, ўзим ундан айланайин.  
...Биз ҳаммамиз шитоб ила олға юрдик —  
Командирдан шу фурсатда келиб буйруқ,  
Душманларнинг олд сафини бузиб ўтиб,  
Талай ерга ҳамроҳ борди ўша қўшиқ.

1944

## СОЛДАТ ШЕЪРИ

Ҳамон ёдда ўшал тун  
Мумкинмикин унутмоқ?  
Сузар эди кўкда ой,  
Тун эди сутдай оппоқ.

Ўлтирардик икки дўст,  
Нигоҳ ташлаб Ёйиққа.  
Сузарди бир жуфт соя,  
Тушиб битта қайиққа.

Ел эсарди силаб юз,  
Қилганича хушомад.  
Афсус, етиб келганди  
Хайр-хўшлашга навбат.

Ёрин суйиб дерди қиз:  
«Фироққа борми чора?!  
Тезроқ қайтгил, десам, сен —  
Олислайсан тобора».

Иигит дейди жавобан:  
«Жонгинам, ғарбга боққин,  
Кетганим сари олға,  
Келаман сенга яқин».

1944

## ШАРҚДА ТУҚҚАН ЭЛИМ БОР

Шарққа, Шарққа боқаман  
Кўзларим зор, интизор.  
Босилмайди соғинчим  
Боқсам ҳам хумор-хумор.

Ҳеч бир елни севмайман  
Ўз ўлкаминг елидай.  
Юрт шамоли туюлар  
Мушфиқ онам қўлидай.

Қуш учса ҳам у ёқдан,  
Ўлкам кирар тушимга.  
Қувонаман ўхшаса  
Бу қуш юртим қушига.

Қўлга харита олиб  
Қарайман тагин Шарққа.  
Шарқда туққан элим бор,  
Дилим тортар шу ёққа.

1945

## ЖАНГЧИ ҚИЗГА

Шинель кийган солдатсан, қўлда қурол,  
Нозик-ниҳол бўйгинанг бор, соҳибжамол.  
Ёрга муштоқ, элга муштоқ бир йигитман,  
Юзингни бир кўришда мен бўлдим лол.

Майли десанг, қўлгинангни бер қўлимга,  
Жойлайин ўзгинангни мен дилимга.  
Қўшайлик қўш юракнинг муҳаббатин,  
Қўш юрак ён бермайди бир ўлимга.

1945



## МУҲАББАТНИ ТАНЛАСАМ

Тили ҳам кўп муҳаббатнинг, тури ҳам  
кўп.

Чеки ҳам йўқ муҳаббатнинг, туби ҳам  
йўқ,

Жонзодларнинг мулки эрур.

Муҳаббат — бу

Қайғу билан қувонч битта бўлган қўшиқ.

Сиз ақалли бўзтўрғайга назар солинг.

Тишда тишлаб ардоқлайди полопонин,

Керак бўлса, ўлимга ҳам отар ўзин,

На қилса ҳам омон кўрсин болажонин.

Ором топар, ором олса жон тиккани,

Менга кирсин, дер, тақдирнинг бор

тикани.

Қувончи ҳам, ташвиши ҳам полопондир,

Шу эмасми, ахир, муҳаббат дегани?!

Муҳаббат — бу диллардаги гавҳар тумор,

Ардоқласанг, у ҳам сени бахтга кўмар,

Учиради қанот бериб дилгинангга,

Оҳ, менинг ҳам муҳаббатга жоним хумор.

Муҳаббат дер: болажонга бўл парвона,

Муҳаббат дер: меҳринг узра турсин она.

Ўзига у топинтирар, ялинтирар.  
Она еринг ардоқла, сев, дейди яна.

Муҳаббат бор — қонмас ҳаёт ташналиги,  
Муҳаббат бор — шундан шеърга  
ошнализим.

Ундан эрур хаёл етмас ер куррасин —  
Бахт-ғамига муштдай дилнинг  
чашмалиги.

Фақат шундай муҳаббатни кўрсин кўзим,  
У бор экан, қисқа умр бўлар узун.  
Ватан битта, унга бўлган севгим битта,  
Топинтирсин, севинтирсин яккаш ўзи.

1947



## ОВУЛИМНИНГ ТУТУНИ

Аёз чиқар авжига,  
Кўк иши — қор эламоқ.  
Қор тўлган ер юзига,  
Ҳаммаёқ оппоқ-оппоқ.

Фақатгина мўрилар  
Туришади қорайиб.  
Тутунлари таралар  
Дилларми кўкга ёйиб.

Тутун дейди: «Қўрқмайман  
Қишнинг қаҳридан зинҳор.  
Негаки шу тутунда  
Овулимнинг ўти бор».

1948

## ОҢ ЕЙИҚ

Суяман, гўзал Ейигим,  
Соҳилинг макон этганман.  
На ҳожат менга қайиғинг,  
Неча бор сузиб ўтганман.

Пуркаса оташ саратон,  
Сувлари ором, ширинсан.  
Унутмам сени ҳеч қачон,  
Биринчи ёзган шеъримсан.

Ўйноқлаб оққан тўлқининг  
Бош урар, пойим ўпгандай.  
Жонимга ором оқ қуминг,  
Соҳилинг сайр этганда.

Севаман сени, Оқ Ейиқ,  
Бўйингда умрим кечадир.  
Бир менмас, кўм-кўк буғдойлик  
Далам ҳам сувинг ичадир.

Улуғвор Кешим канали  
Қаршингда битта ирмоқдай.  
Очасан тупроқ жамолин,  
Йироқсан мудом ҳормоқдан.

Кўргансан не-не замонни,  
Айтгил-чи, Ейиқ, суюгим,

Сурарми эдинг давронни,  
Бўлмаса колхоз, овулим?!

Бир пайтлар ўксиб ўтардинг,  
Бағрингга шамол тегмасдан.  
Лойланиб, фарёд этардинг,  
Халқимдай ёшинг тинмасдан.

Энди-чи, сувинг биллурдай,  
Тўлқининг бутун кўнгилдай.  
Яшнатиб колхоз даласин,  
Оқасан бизнинг умрдай.

Суяман сени, Оқ Ёйиқ,  
Бўйингда умрим кечадир.  
Бир менмас, кўм-кўк бугдойлик  
Далам ҳам тузинг ичадир.

*1948*

## ОҚҚУШ

Санъатингдир ўйин қилмак  
Кўк саҳнида, эй оққуш.  
Ҳаволаниш кимга керак?  
Кел, сайроқим, ерга туш.

Учмоқликни истасам, бас,  
Қанотим бор менинг ҳам.  
Лекин кўкни қилмам ҳавас,  
Ерда мен — бахти бекам.

Ой теграсин айланмоқни  
Қиласанми ё орзу?!  
Билолмадим не демоқчи  
Куйлаганинг у «ка-ку?»

Оққушгинам, илҳомгинам,  
Кўнглим оппоқ сен мисол.  
Кел, куйлайлик бирга, эркам,  
Куйга кўчсин бахт, иқбол.

1948

## ОҶИН БАХТИ

Таърифлаб бўлурму гул ҳаётимиз,  
Гўзал умримизнинг ўзи шеърият.  
Тинчлик бермас оқин қалбига ҳаргиз,  
Куйлатиб эл-юрт бахтини бу бахт.  
Ҳайқириб ётибди кенгиш дала, қир,  
Ёшариб бормоқда шаҳар ҳам бирдай.  
Бунга партиянинг ўзи бош дастур,  
Юксалар турмуш ҳам, инсон ҳам тин-  
май.

Синдириб бўлурми ёлғиз бир шеърга  
Совет кишисининг шу қудратини.  
Сен бир қўшиқ ёзиб элтгунча элга,  
Яратар у дoston шон-шуҳратини.  
Тавсифига қанча бўлмайин ожиз,  
Бари бир куйламай туrolмас созим.  
Илҳом олмасайдим мен ундан ёлғиз,  
Куйлай олмас эдим кўҳна «меросим».  
На Пушкин, на Абай авлоди кўрган  
Бахтни куйламоққа етишди даврон.  
Гулдай ўсар яшнаб йигит-қиз кўркам,  
Улуғ эл овозин тинглайди жаҳон.  
Жар солсам оламга даврим овозин,  
Мангулик бахтимни куйлаб беармон,  
Сен бердинг, партия, бу янгроқ созим,  
Мен сендан қарздорман тургунча  
жаҳон.

1952

## ИРТИШДА

Оқиб ётар Иртиш пастда,  
Жайрон каби жар айланиб.  
Борар икки ошиқ аста,  
Ёз оқшоми сайр айлашиб.

Жар ёқалаб келиб шу дам,  
Тун қанотин ёзган маҳал,  
Кундуз каби порлар тун ҳам,  
Кўкка ўрлар нурлар ял-ял.

Қуёш бўлиб чиқиб шу кез,  
Она-Олтой уфқларидан,  
Юксалди Ўскемен ГЭС,  
Эрка Иртиш кўкларида.

Жилмайишар йигит ва қиз,  
Ёшликнинг ўт оғушида..  
Жимирлайди кўкда юлдуз,  
Парпирайди ер осуда.

Порлоқ ёшлик, ўйна, қувон,  
Нур қўйнида гул-гул ёниб.  
Кулиб боқар, шундан шодон,  
Юлдузлар ҳам жило олиб.

1953

## КОМСОМОЛ УЛ — МАНГУ ЁШЛИК

Туғён урар қонимда ўспирин чоғим,  
Ёз гули тонг шамолин соғинган каби.  
Биламан, у— ёшлигим ташлайди одим,  
Қомсомолнинг шу метин сафида ҳали.

Қомсомол қаримайди — қаримаймиз  
ҳеч,  
Шул сабаб қаридик деб айта олмаймиз.  
Қомсомол-ёшлар билан яшаб эрта-кеч,  
Ёшарамиз улғайиб ҳар бир тонгда биз.

Ўтлар ёқиб келажак авлод қалбига,  
Қуйлаймиз кураш, енгмоқ  
достонларини,  
Қуйлаймиз, шу улуғвор ёшлик аслида  
Биз ўсган комсомолдан бошланганини.

Қуйлаймиз, гулга кўмиб элу юртини,  
Қайларгача бориб у етганлигини.  
Қуйлаймиз, улуғ Ленин аллалаб уни,  
Ардоқлаб бешигини тебратганини.

Коммунизм йўлида ёшликни мангу —  
Бирлаштирар комсомол метин сафларга.  
Кучга тўлиб партия қанотида у,  
Бошлар содиқ фарзанддай доим  
зафарга.

Тугён урар қонимда у ёшлик чоғим,  
Ёз гули тонг елини соғинган каби.  
Қувнайман ҳам, ёшлигим ташлайди  
одим,  
Мағрур туриб комсомол сафида ҳали.

*1953*



## ДУСТГА ЖАВОБ

Ешлигимнинг танти дўсти, салом сенга,  
Билсанг, ҳануз эзгу сиймонг азиз менга.  
Йиллар ўтиб, хабарингни эшитдим,  
Шеърга солиб нома битдим мактубингга.

Дебсан хатда: «Ёйиқ бўйи эсингдами?..»  
Хотиримда у йилларнинг ҳар бир дами.  
Шахт этардик чўнг дарёга иккиланмай,  
Кўмар эди у шовиллаб, тўлқинланиб.

Чопардик биз қолдириб қир шамолини,  
Тортқилардик гоҳо қизлар рўмолини.  
Ким жилмаймас, ахир, эсга олар бўлса  
Ўтиб кетган ўт ёшлигин амолини!

Энди эса у кунларга боқиб баланд,  
Дейсанки сен: «Эҳ, ўтибди ўйин-ла банд...»  
Ахир, ҳеч ким бирдан расо бўлган эмас,  
Самимий, шўх йилларингни қилгин писанд.

Қай бир чоғлар сабр-тоқат қилмай бизлар  
Улғаймоққа ошиқардик чора излаб.  
Мана, бу кун муртимиз чин, ҳақиқийдир,  
Ёшлиқ эса қолди ортда, вақт тезлаб.

Ҳа, айтмоқчи, табриклайман — бошлиқ  
бўпсан,

Ўзинг ҳақда ажабтовур ўйга кебсан.  
Шу боисдан бўлса керак, мактубингда  
Ёзувчилар ҳақда тагдор гап айтибсан.

Қўлларимиз нозиклигин қибсан пичинг,  
Бунинг учун айбдор эмас, ахир, ҳеч ким.  
Айтгин ўзинг: қаердаю қай замонда  
Болға билан шеър у роман битибди ким?

Мавзу этинг — ҳаваскорсиз ёки даҳо,—  
Техникани ва атомни — муҳим соҳа,  
Асримизнинг чўнг қудрати ўшалар, деб  
Жар солишинг эшитилар эди гоҳо.

Бил, мойилмиз куйламоққа ўзимиз ҳам,  
Зеро қанча у мадҳ топса, шунчалар кам.  
Бироқ ўша тараққиёт, ўша қудрат  
Яралган-ку, ахир, инсон зеҳни билан.

Мудом ақл ёзар экан кенг қанотин  
Тан олмасга не ҳаққинг бор инсон зотин?  
Шунинг-чун ҳам, амин бўлки, бизга зинҳор  
Керак эмас авто-бошлиқ, авто-оқин!

Юксалиб тез колхозда ҳам, совхозда ҳам  
Илм уфқлар очаётган бу долзарб дам  
Ким ҳам тутгай менга назм дастгоҳини —  
Мажбурият олсаму, соз ўринласам,

Гарчанд қанча ривожланиб, фан юксалгай,  
Бир нарсани тасдиқлашга мен доим шай:  
Биламанки, коммунизм даврида ҳам  
Ҳеч бир мошин менинг учун шеър ёзмагай.

Шу туфайли мен беташвиш яшолмасман,  
Қарздорман умримнинг ҳар фурсатидан.  
Илҳомни-да, парвозни-да олурман мен  
Халқ меҳнати, шавкатли юрт қудратидан.

Дилга жойлаб мен ҳамиша шеър ишқини  
Жабҳаларда доим ҳамроҳ билгум сени.  
Фақат мотор кучин талаб этма биздан  
Ва сўрама зинҳор сатр нормасини.

Бу дунёда ақл эрур энг устувор,  
Шундай экан унинг қадрин этмайлик хор.  
Ишонаман: шундагина орамизда  
Авто-раҳбар, авто-шоир бўлмас зинҳор.

1955

## БАЙРАМ АРАФАСИДА

Бир ҳафтаки, тинимим йўқ дўстлар, бир зум,  
Бир бет шеърни юз марталаб ёздим, чиздим.  
Хоналарни саранжомлаб, безатдим уй,  
Монтёр оға меҳнатин ҳам қилдим ўзим.

«Ўрнимас!» деб, қолмади ҳеч сўз бўлмаган,  
Ҳеч нарса йўқ ўз ўрнидан қўзгалмаган.  
Хотинимнинг амри билан қўйсам бирин,  
«Бу ёққа қўй уни», дейди қўзғаб онам.

Бир томондан, тинчлик бермас ўғлим келиб,  
Ташвишлари унинг бу кун ундан ҳам кўп.  
Пуфак, қизил байроқ, каптар керак, дейди  
Типирчилар оёқ-қўли қулундай хўп.

Унинг берган саволига кулгим қистар,  
Умид билан кузатаман бўйи-бастин.  
«Келадими мен яна бир ухлаб турсам,  
Октябрь у қандай киши?» — дейди аста.

«Октябрь ким?» дейди ўғлим, во ажабо,  
Умр, замон, кун у, десам, англарми ё?  
«Аврора» миз залл берган у замонларда  
Ўғлим тугул ўзим ҳам йўқ эдим ҳатто.

У — дostonлар дostonи — бир қўшиқ десам,  
Анлармикан шу беғубор гўдагим ҳам?..  
Шундай қилиб, шеър ҳам тайёр, уй ҳам  
тайёр,  
Кел, Октябрь, тўримга чиқ сен ҳам бир дам!

Бир ҳафтаки, тинимим йўқ, дўстлар, бутун,  
Бир бет шеърни қанча ёзиб-чиздим тун-кун.  
Ҳафта эмас, бахш этдим мен умримни  
ҳам —  
Октябрнинг шу ярқироқ тонги учун.

**1955**

## АСҚАРГА ХАТ

- Элликни урибди-я Асқар оқин.
- У ҳам сендай ёш бўлган бир вақtlари.
- Ёзиб турса ўлани кенг қанотин,
- Гап бўптими оқинга шу ёш ҳали.

Суҳбат шу ерга келгани чоқ,  
Бир жой бўшаб, ўтирдим аста мен ҳам.  
Суҳбатлашар — бир она, йигит ёшроқ,  
Шеърят ошиқлари экан, билсам.

- Табриклаб шеър ёзмайсанми огага,  
опа?  
Хафа бўлиб юрувдинг, аввал ҳам бир...  
— Шошма, ўғлим, биламан, — деди-да  
она,  
Бир шеър ўқиб кетди-ю секин, оғир:

«Асқарга тегсин хат,  
Кўкламдай кўнглим шод.  
Уксинмас ҳеч ким ҳам,  
Яшамоқ кўп роҳат...  
Ёдимда енгганинг,  
Кўз ёшлар кўрганинг.  
Хафаҳол хатимни  
Акамга берганинг...»

— Шундай бошланади хат, чироғим...—  
Ер остидан аёлга бир қарадим.  
Эсимга тушиб кетди таниш ўлан,  
Болалик чоғларимда ёдлаганим...

Эшитилмай қолди, боғда кўтарилган —  
Ғала-ғовур ичида менга у хат.  
Шу ергача келганда тинди бирдан,  
Қулоғимга чалинди сўнги фақат.

«...Хат ёздим отингга,  
Рози бўл хатимга.  
Ўланинг кутиб — мен  
Ҳув, ўша Фотима».

Кўплар дилидагини айтди у суҳбат,  
Мен нима қўшолардим унга ёнимдан?  
Яхши ўлан оқиннинг ёшлиги фақат,  
Ўланларинг кўпайса — дўстлар ёнингда.

Таъзим қилиб шу дўстлар сирини Сирга,  
Кутамиз биз ҳам, Асеке, яхши шеърлар.  
Эллик нима, юзда ҳам қарима сира,  
Ҳамроҳ бўлсин сенга яна кўп асрлар.

1955

## ОЛТИН ОРҚА

### 1

Хув, чўзилган Сариқорқа ерида икков  
Турар эдик бугдойзорни томоша қилиб.  
Отим атаб чақиргандай бўлди-ю биров,  
Севгилимми, деб тўлғониб боқдим қайрилиб.

Бу даланинг у— бойқосоқ оққуви экан,  
Қўшиқчи қуш, паризод қуш, илҳомим дўсти:  
(Бир вақт унга шоир Биржон шеър  
бағишлаган.)  
Шох ташлайди ўйин қилиб кўкда бир ўзи.

Чайқалади сайҳонликда улуғвор денгиз,  
Кўрганмикан уни бурун келиб кетганлар?  
Тебранади олтин қошли тўлқинлар нафис,  
Ола сариқ сочларини силайди еллар.

Эй, ёшлигим, сен ҳам бунда ўйна, қувна,  
Ойдинларда суздириб юр учқур кема.  
Куйчи оққув осмонидан тушмайди буткул,  
Қулочинг ёз унга, ёшлик, жўр бўлиб, қани.

Ўйнаб ҳарён кўчар экан дилбар қуш чаққон,  
Кўз қувониб, диллар ёниб сайр этдик узоқ.  
Гўё боши осмонларга етгандай шу он,  
Чамаларди қуш ўзини биздан каттароқ.



## 2

Икки кекса атрофида жилмаяр шодон,  
Кечагина дунё кўрган ёш ҳамқишлоқлар.  
Кезишаркан, ёнларини қитиқлайди дон,  
Қитиқлайди олтин сочли олтин бошоқлар.

Қозоқ чол дер:— Иван, сен ҳам биласанми,  
а?..

Акангнинг бир айтган гапи ҳамон эсимда.  
Биринчи у буғдой сепган экан бу ерга,  
Уша вақтда, кўчиб келган йили Эсилга.

— Туғилганман шу ерларда мен ҳам бир  
замон.

Нима фойда топгани ҳам кимлар дон экиб,  
Эсимда бор,— дейди Иван бир бошоқ  
эгиб,—

Белимгача бойликларга ботганим чунон.

Баён қилиб ҳар тепанинг номларини ҳам  
Эслаб ўтган-кетганларни қувнайди чоллар.  
Кечган ёшлик чоғларини қўмсашиб бир  
дам,  
Худди шунда туғилганин хотирлаб қолар.

Ўз туғилган Ватаними энди кўргандай,  
Сайр қилиб юришарди кексалар ҳали,—  
Шошилишиб жўнаб кетди ёшлар  
пайдарпай,  
Мардликларнинг у келажак меросхўрлари.

## 3

Қандай гўзал Орқа ери, Орқа тонги,  
Бироқ нечун ҳамма уни сариқ дейди.

Не сабадан «Сариқорқа» экан оти?..  
Шуни ўйлаб Қурманғози борар эди.

Қатор-қатор ўтган туя карвонлари  
Ўлдимиқан ташналикдан қолдан кетиб.  
Наҳот сўраб худованддан, қон-қон бағри,  
Кутдимиқан сарғайиб ул бизни, етим...

Балки ёшли кўзларини кўрган бордир,  
Қим ҳам менга очар унинг сирини бу.  
Қозоқларда сариқ — олтин ранги ахир,  
Мумкин, шундан сариқ деган ном олган у.

Чайқалади кўз олдида олтин дала,  
Кўзларини ўйнатади бугдойзорлар...  
Чорлар мени сир айтмоққа Олтин Орқа,  
Олтин-олтин бугдойзорлар мени чорлар.

Тонг қолдириб одамларни буюк асрим,  
Борар асрий офатларин мағрур енгиб.  
Бугун инсон қудратига қилар таъзим,  
Ҳатто ўжар табиат ҳам бошин эгиб.

1956

## ЙИГИРМА БЕШ

Қайтар, ахир, ёз ҳам ўтиб, куз ҳам ўтиб,  
Ёшлик, нега қайтмайдирсан юздан ўтиб?  
Йигирма беш, кимлар сендан ўпкаламас,  
Қандай эъвоз топдинг, дея биздан ўтиб?

Билмайман: сен нима топдинг, топмадинг ё.  
Неча вақтки, юрадирман сенсиз аммо.  
Ўша куни «хайр» дединг, ёдимдадир,  
Таниш эшик қошида мен қолдим танҳо.

Лекин қануз васлинг гирён излайдирман,  
Илҳақдирман, умидимни узмайдирман  
Ва қай бир вақт бордим тагин ул эшикка...  
Қайтиб кетдим куз нафасин туюб бирдан...

Дил қўмсашга қўмсайди-ю, лек ўкинмас,  
Зеро умригузаронли ёлғиз менмас.  
Ҳар ким учун ёшлик насиб бўлур бир бор,  
Йигирма беш иккинчи бор қайтиб келмас.

Йигирма беш! Армонсан ёш-қарига ҳам,  
Лекин содиқ эмасдирсан барига ҳам.  
Сиртдан кўркам, гўзалсану — кўз олувчи-  
Аслида бир сурурмисан ёлғондакам?

Йигирма беш, гар қайтмоққа бўлса раъйинг,  
Узоқлашмай туриб қайтгин, кўз тутайин.  
Йигирма беш ёшим менинг, қайтсанг агар,  
Камаймагай қадринг, балки ортар тайин.

Мен энди ул ўсмирмасман — кўча дайди,  
Кел, эъзозлаш учун сени умрим шайди.  
Бизлар даврон сураб бўлсак мангу бирга,  
Ёшликнинг-да номи мангу яшагайдир.

1957

## САЙР ЭТИВ КҮР ОЛМАОТАНИ

Машинамиз елдай югуриб,  
Асфальт кўча бўйлаб келади.  
Москвалик шоир дилида  
Янги қўшиқ ўйлаб келади.  
— Энди шаҳар бошланар,— дейди,  
Кўрмай туриб уйларни меҳмон.  
Ён-атрофда азим тераклар,  
Дейсан уни ям-яшил ўрмон.  
Рўпарада қорли Олатов,  
Баландликка тиклаб борамиз.  
Ҳайрон бўлар қадрли меҳмон,  
Деган каби:— Қайда шахрингиз?  
Шошма, дўстим, асло ошиқма,  
Эрта билан яёв юриб кўр.  
Оппоқ сутдай тонг оқаради,  
Дарпардани четга суриб кўр.  
Қучоғини кенг очиб шунда  
Олмаота бўлар намоён.  
Кўркам қўйни унинг ажойиб.  
Қарши олар сени у шодон.  
Аён бўлар сенга ҳар киши,  
Сақлагайсан эсда сўзларин.  
Хотирлайсан кечган ҳар кунни,  
Қозоқ қизин қора кўзларин.  
Истар бўлсанг шодлик, кулгуни,  
Дарёларнинг кумуш жилвасин,

Театрга бориб кўр, дўстим,  
Ипак қиз<sup>1</sup>нинг юрак сирларин.  
Юксалади кўзинг ўнгида  
Кўркам уйлар қаторма-қатор.  
Илм-маърифат саройларида  
Таълим олар ёшлар бахтиёр.  
Аён бўлар уларга олам,  
Ҳатто қуёш, юлдуз, ой сири.  
Гагариндай довюрак, ўктам,  
Юксакларни кўзлар ҳар бири.  
Улкан завод гудоги сени.  
Уйғотади ҳар кун тонгги чоқ.  
Будир завқли меҳнатнинг бонги,  
Иш бошланар ҳамма ёқда, боқ,  
Кузатасан эрталаб хушнуд .  
Олмазорнинг елдан мавжини,  
Шод боқарсан шиғил шохларга,  
Тошар қалбдан севинч тўлқини:  
Ҳар бир олма қанд каби ширин,  
Тотиб кўргин, тортма қўлингни.  
Олмаота олмалар кони,  
Мени ол, деб тўсар йўлингни.  
Машинамиз елдай югуриб,  
Асфальт кўча бўйлаб келади.  
Москвалик шоир дилида  
Янги қўшиқ ўйлаб келади.  
Ойна каби текис бу йўллар,  
Шаҳрим ўхшар яшил гулбоққа.  
Шоирга у шодлик, куй бериб,  
Интилади юксалиш ёққа.

1957

---

<sup>1</sup> Қозоқ халқ дostonлари асосида яратилган дра-  
матик асар қаҳрамони Қиз Жибек назарда тутилган.

## СОЛДАТ ТАҚДИРИ

Қарсиллар қаттол февраль  
Музлаб ётар дала, боғ,  
Туғилиб янги бир куй,  
Баҳор каби кўнглим чоғ.

Янги куй — янги шодлик,  
Олди менинг бор тинчим.  
Ўландай сиғмай ичга,  
Кўчага чопиб чиқдим.

Кўчада буғ бурқситиб,  
Утар эди ҳарбийлар.  
Елкаларида найза  
Кун нурида ялтирар.

Биламан мен, ҳарбийлар  
Енгишини бус-бутун.  
Эслайман, ёвни енгиб,  
Қайтганимиз биз бир кун...

Янграб ғалаба қўшиғи,  
Ҳарбийлар ўтиб кетди.  
Гурс-гурс қадам товуши  
Кўкларга бориб етди.

Тилайман мен ўланга  
Ҳарбийлар тақдирини,  
Токи у ҳам курашсин,  
Кузатсин тонг нуруни,

*1957*



## ОҚҶУВИМ

Оққувим ерда менинг, осмондамас,  
Тебранамаман, ўргилиб, куйига маст.  
Тушганида юзга юз, кўзларга кўз,  
Кўкдан олис туюлар ер менга, бас...

Оққувим осмондамас, ердадир у,  
Қоматига бор чирой парвона-ку.  
Нохуш тонгда булбуллар, тунлари ел,  
Ўша бўлиб келганда қочар уйқу.

Тинглаб улар куйини, босади ғам,  
Сирлашамаман тун билан, тонг билан ҳам.  
Минг йил яшайман мен, деб бу дунёда,  
Юрибсанми, дейди улар менга шу дам.

Чидайман мен бу дардга эл кўзида,  
Тегмасин деб Оққувимнинг ел юзига.  
Тинглар бир кун юрагим овозини,  
Куйлаб юрса бас, ахир, ер юзида.

**1957**

## ҚОЗОҒИСТОН КҮКЛАМИ

Кундан-кунга кўк порлайди,  
Жилмаяди эрта баҳор.  
Қуёш ҳам муз пармалайди,  
Қер бошини олади қор.

Кутишади йигит-қизлар,  
Яшнаган гул боғларини.  
Кутар қуёш осмонлар зор  
Ернинг бахмал чоғларини.

— Кўклам келди!— деб чоллар ҳам  
Очар кунга кенг кўксини.  
Сув ўйнайди бола беғам,  
Чалғитиб она кўзини.

Эшитилмас ҳали бироқ,  
Булбулларнинг соз нағмаси.  
Жам бўлгандай мартга шундоқ  
Фаслларнинг бор ҳаммаси...

Пуркамас тунлар изғирин,  
Олтойнинг момиқ қорлари.  
Силкитади қорини секин  
Жамбулнинг олма боғлари.

Олмаота қиздай ясаниб,  
Кўк шоҳидан кўйлак кияр.  
Шовқин солиб шўх Бошариқ,  
Ҳовлимизга кириб келар.

Эрта тонгнинг ўйи билан,  
Потирлайди бағри ернинг.  
Томиб ерга кун зўридан,  
Мўлтирайди манглай теринг.

Гўё қочиб кетгудайин  
Бўз далалар нақ дафъатан,  
Кўклам келди!— дейди секин,  
Бош кўтармай эл меҳнатдан.

Кенг далада турар кутиб,  
Зориққандай, мени зор-зор —  
Юрак бағри тўлқин уриб  
Олтин сочли — Оқ бугдойзор.

Бир ерга кеч, бирига эрта  
Келиб кетар ҳар йили кўклам.  
Бизнинг кенгиш, нурли ўлка  
Ҳамма ердан асил, кўркам!

1957

## УМР ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

*(Касалхона кундалигидан)*

\* \* \*

Оғриб қолдим, касалхона масканим,  
Тонгга қадар зирқирайди жон-танним,  
Неча марта шафақ билан хўшлашиб,  
Ботаётган кунда қолди кўзларим.

Оғриб қолдим, кетар экан дэрд кўпга,  
Ачишади, қон қусади қўш ўпка.  
Ғижилларми, сирқирарми, нетар у?  
Мунча эрта сафдан чиқди тўш-ўпка?

Уч мучал бу — қирчиллама чоғмасми?  
Йўлбарс келбат кўкрагинг тоғ бўлмасми?  
Ўз ҳақини сляптими энди ё  
Етимлигим, — бу — у юпуғ чоғмасми?

Билиндими энди ҳандақдаги нам?  
Ё ҳақини сўрар январь туни ҳам?  
Хўп чекканман, кўксим дуд-ла йўғрилган,  
Таниш эди қадаҳларнинг уни ҳам...

Бари бўлди, ўкинмайман унга бас,  
Йўқотганим топилмайди бегумон.  
Менга ҳозир умрим ибтидосимас,  
Интиҳоси бўлиб қолди зўр армон.

\* \* \*

Дўстлар-эй, қайдасизлар, чарчадим-ку,  
Довулдан хўп майишган арчаман-ку,  
Томирим юлинардай ширт-ширт этар,  
Йиқилмаслик чораси борми ёхуд?

Келсанглар суянишга тоғим бордек,  
Шум ўлимни унутишга чоғим бордек...  
Тинглайман ҳаёт сасин, шеър жарангин,  
Залда яйраб ўтирган чоғим бордек.

Ушал зал бу дунёнинг бир бўлаги,  
Ахир, нима шу бўлакка тенг бўлади?!  
Ҳаттоки; қизиққонлик, оддий баҳс ҳам  
Кўз олдимга боз устига боз келади.

Ким келса зал говурин ола келсин,  
У билан қалъа келсин, дала келсин.  
Ўчмасин ҳаёт саси, дилбар кулгу,  
Умр деган ўз йўлидан бора берсин.

\* \* \*

Узлуксиз дард толдиради  
Тоғдек бўлса тўзим-да...  
Қачон келса ёш туради  
Софьянинг кўзинда.

Мўлт-мўлт қилиб ёш турару,  
У кулмоқчи бўлади,  
Хаёл унга бермас уйқу,  
Шўрлик чарчаб, сўлади.

Чаккасидан тола оқ соч  
Яшириниб қарайди,

Қўшилгандай ёшига ёш,  
Ранги яна сарғайди.

Унутади сўзини гоҳ,  
Турар тушкун, дилафгор.  
Азизамнинг кўзида, оҳ,  
Унсиз сўроқ, гумон бор...

Фақат онам шердек ҳар кун  
Ҳайиқмасдан келади.  
Шум ажални енгиш учун  
Югуради, елади.

Нетай, вужуд ёнар бу дам,  
Фурсат унинг давоси.  
Есирнинг ҳам, етимнинг ҳам  
Тинглаганман нидосин.

Хурсанд бўлар шифокор ҳам  
Қўша ўсса қўш терак.  
Ҳаттоки энг бахтиёр дам  
Ота керак, дўст керак.

\* \* \*

Деразадан келади кузнинг дами,  
Ёқимсиздир инсонга ажал доми.  
Қўмсайман тоза ҳаво, эркинликни,  
Тузалсам қолмас қалбнинг армон-  
гами...

Эшитгум, митти чумчуқ «пир-пир»лайди.  
Гоҳ бийрон, гоҳ тутилиб «чир-чир»лайди.  
Сезаман учиб-қўниб юрганини,  
Қаноти киприк каби пирпирайди.

Пайқайман, ҳаво очиқ, ёқимли кун,  
Қўкда йўқ, ҳатто холдек булут бугун,  
Хонамга учиб кирди битта япроқ,  
Сарғайган, сўлган у ҳам мендек бутун.

Бўлмаса кўксида ўт, чўнг илдизи,  
Куни ўтсин-ўтмасин, қолмас изи...  
Мен ўша япроқмасман, йўқ, бутоқман.  
Ўсаман, келгач умрим кўклам кези.

\* \* \*

Қўлимда йўқ мадор,  
Ёзишга келмайди.  
Поёнсиз ўйим бор,  
Лекин бўй бермайди.

Қаршимга келар гоҳ  
Шеър бўлиб тизилиб.  
Ўнгирга қулар гоҳ  
Сафидан узилиб.

Келиб дўст, эсиб ел  
Мадорим ошади.  
Яйрайди шунда дил,  
Касал ҳам қочади.

\* \* \*

Той турдим қайтадан мен бугун,  
Гўдакдай юришга бошладим.  
Дард билан ўтган у қора кун  
Юкини, дўстларим, ташладим.

Мен бугун ўзга бир бетобни  
Юпатдим, бошини силадим,

Ўзим ҳам хўп ўжар, шитобли  
Тузалиш йўлини тилардим...

Севаман дўстларим барини,  
Баридан тополдим эм-даво.  
Силкишиб касалдан барини  
Бўлишсин мен каби мусаффо.

\* \* \*

Гап ёқмас, дил хира, бемадор —  
Ҳар бетоб бир эрка боладай.  
Минг олқиш эй, ўртоқ шифокор,  
Дардига эм бўлдинг онадай.

Минг олқиш, минг олқиш сизга ҳам,  
Меҳрибон ҳамшира сингиллар.  
Ўзингиз ёшсизу, қир-далам —  
Кабии кенг сиздаги кўнгиллар.

Бу қадар каттакон юракни  
Қаердан олишган, билмайман?!  
Мен учун тилашиб тилакни,  
Мен учун уриниб тинмайлар.

Дўстларим, шуларга ёзмай шеър,  
Айтинг-чи, қандайин ўламан?  
Қалбимнинг ҳар зарби «инсон» дер,  
Ҳар зарбда давримни кўраман.

Олқишнинг олқиши ўзингга,  
Муқаддас, жон элим — бешигим!  
Турмаса гар ўғлинг сўзида,  
Лозиммас унга ҳеч кечирим.

1959—1963



## ОШИҚ КҮЗ БИЛАН..

Ўт-ўлан елда майин чайқалади,  
Денгизнинг мавжи бўлиб пайқалади.  
Майсалар худди қизу

шамол — йигит,

Иккиси шивирлашиб тарқалади.

Шовиллар буғдойзорим, бошоқлари  
Тебранади бўлиб олтин болдоқлари.  
Деҳқон бобо завқланиб кулиб турар,  
Қўшиқдан яйрагандай қулоқлари.

Шовиллаб чексиз ўрмон ҳайқиради,  
Чўл қўшиқ бешигида чайқалади.  
Қарасанг кўзинг яйраб, дил яшнайти,  
Юракда сирли туғён пайқалади.

Ҳилпирар байроқ елда лов-лов ўйнаб,  
Гўё қир юриб келар ялов ўйнаб.  
Қир ошиб кетди яна қурувчилар  
Бу ерда тиклаб шаҳар — янги уйлар.

Бир кекса — нуроний чол юриб келар,  
Тақирни юз йил кўрган, яхши билар.  
Лек тақир қолмабди ҳеч, ҳарён чаман,  
Намланган, кекса кўзга қувонч инар...

Ўсмир севар бу ерни жонидан ҳам,  
Эркалаб, эркаланар хоҳлаган дам.  
Ўзга ер кўрган эмас умрида у,  
Шу қирга бош уради дея «далам».

Одатий назар билан боқса ёшлар  
Бу таниш қалъага ҳам, далага ҳам,  
Қарайман мафтун бўлиб мен,  
йўлдошлар,  
Учраган кексага ҳам, болага ҳам.

Қарасам завқ, шуурга тўлгим келар  
Бағри кенг одамлару қизлар сари.  
Ҳаётдек доно кекса бўлгим келар,  
Ҳаётдек ёшаргим ҳам келар ҳали.

1962

## КУКЧАТОҒ

Бобом Кўкчатоғи,  
Отам Кўкчатоғи,  
Сакен Кўкчатоғи,  
Болам Кўкчатоғи.  
Ҳай, ҳай, ҳай Кўкчатоғ —  
Ернинг жаннат боғи!  
Мисоли кўк ўтов,  
Мисли Ер тумоғи.

Сулувнинг кўзидай  
Мўлтирар сизга кўл,  
Атрофда терак мўл,  
Киприкнинг ўзидай.

Ойнага йўқ ҳожат  
Ойнакўл борида...  
Тўш ювар ой фақат  
Тўлқинлар ёлида.

Қоп-қора Жумбоқтош  
Сув ичган туядай...  
Мавжланар гар қуёш  
Кўринса Бурабой.

Бурабой — жаннатдек,  
Яйрайсан ҳар қачон.

Очилган қанотдек,  
Мисоли улкан кон.

Ҳавоси шифобахш,  
Минг дардга эм суви.  
Сузади қўзғаб рашк  
Қизларнинг сулуви.

Илондек буралиб  
Эргашар сочлари.  
Бунда завқ, нур олиб  
Ёшарар ёшлари.

Симираар куну тун  
Ёш-қари соф ҳаво.  
Бунда, дўст, сен учун  
Ҳар нарса муҳайё.

Отам Кўкчатоғи,  
Алплар Кўкчатоғи,  
Олам Кўкчатоғи,  
Халқлар Кўкчатоғи!  
Ҳай, ҳай, ҳай Кўкчатоғ —  
Ернинг жаннат боғи!  
Мисоли кўк ўтов,  
Мисли Ер тумоғи!

1962

## ПОЙГА

### 1

Тўнғич пойга эсимда —  
Етти яшар боламан.  
Текис дала кўксида  
Қуюн бўлиб бораман.

Кипригимда ёш порлаб,  
Ел кўзимни тўсади,  
Тўзон осмонга ўрлаб,  
Кўк юзини тўсади.

Кўтарилар узанги,  
Парвоз этадигандай.  
Маҳкам тутдим эгарни,  
Ағнаб кетадигандай.

Поёни йўқ йўл кўрдим,  
Ўқдай олис отилган.  
Қўриқчига дуч келдим,  
Йиғлаб тушдим отимдан.

### 2

Яна бир кун ёдимда,  
Ёш ўспирин йигитман.  
Тирмашиб от ёлига,  
Чиқдим зўр умид билан.

Яна тушдим пойгага,  
Бир ўлжага эгаман.  
«Қиз қувиш» таниш менга,  
Бир гўзални севаман.

Адашма муҳаббатда,  
Болга қўшган оғудир,  
Қолиб кетма гафлатда,  
Аёл зоти кўп қувдир.

Мана чиқди барно қиз,  
Ўйноқлайди отимиз.  
Иккимиз ҳам оташмиз,  
Қушнинг жуфт қанотимиз.

Юракка ўт ёқди-ю,  
Дилдор кўзи порлади.  
Ялт этиб бир боқди-ю,  
Дилни сўнг яралади.

«Гув» этди-ю, қиз кетди,  
Отни ортидан қўйдим,  
Армоним ўша эди,—  
Келса ўнгидан ўйим.

Ошиб отнинг бошидан,  
Интилиб қўл чўзаман.  
Қучишга ошиқаман,  
Чанг селида сузаман.

Юлдуз бўлиб учди у.  
Етолмадим армонга.  
Кейин мени қувди қиз,  
Етгач марра-майдонга.

Қочишим ҳам беўхшов,  
Уятдан терга ботиб  
Қиз олибди машқини,  
Ўтди қамчи ўйнатиб.

Қиз тўхтатмас қамчисин,  
Тутай десам, тутқизмас.  
Олов пуркар қуёш ҳам,  
Қани олсам тинч нафас.

3

Ортада қолди у кунлар,  
Ешлик даврин кузатдим.  
Отга миниб пойганинг  
Завқли онларин тотдим.

Умр ҳам бир ўтли дам —  
Пойгага туш, синаб кўр.  
Ўзган олар ўлжани,  
Ғолиб келар жангда зўр.

Шеър ҳам худди қув қиздай,  
«Қиз қувиш»-ку бир ҳунар.  
Етолмасанг не илож,  
Етсанг — бўсага кўнар.

Бир йиғлаб, бир қамчи еб,  
Мен пойгага ўргандим.  
Ўт-оташга солгин деб,  
Мен шеърга уйландим.

Ҳаётимда из қолса,  
Шу пойгага лойиқман.  
Шеърим сулув қиз бўлса,  
Тинмай қувай, ошиқман.

1964

## МЕН АСКАРМАН

Давр мени кўп айлади имтиҳон,  
Гоҳо ўтда, гоҳ ўқ билан — не имкон —  
Бўлса борин ишга солди, бердим дош, ?  
Оғриб ўлган — аскар эмас ҳеч қачон!

Оқинликда тортдим меҳнат, машаққат,  
Чекинди ғов, чекинмади асло бахт.  
Оқин ҳам ўлади — ўлса мардона,  
Юрт ҳақида қўшиқ айтганча фақат.

1965



## АГАР УТ ВУЛСАНГ

Ловиллаб ён — ёнмоқчи бўлсанг агар,  
Тутаб ёнма — ёғду сочолмас тутун.  
Ҳўл ўтиннинг дуди кўзни кўр қилар,  
Ёлқининг кўринсин бўлиб бир бутун.

Ловиллаган — сўнса ҳамки лов этиб  
Сўнар, қанча юракларни илитиб.  
Олисликда кўринса ҳам тутуни —  
Бурқсигандан ким ўтирар нур кутиб?

1965

## ОЛМА ТЕРГАН ЛАЙЛО ҚИЗ

Чехранг каби олмаларнинг қизиллиги,  
Лайложон!  
Қўш илондай кокилларинг узунлиги, 15  
Лайложон!  
Оқ манглайда қалам қошнинг чизиқлари,  
Лайложон!  
Елқинланган ёноғингнинг қизувлари,  
Лайложон!

Достондаги бир гўзални кўрмоқдаман,  
Лайложон!  
Қайда экан Мажнуни деб ўлмоқдаман,  
Лайложон!  
Зора ўша мен бўлсам, деб келмоқдаман,  
Лайложон!  
Ҳаётимни мен қўлингга бермоқдаман,  
Лайложон!

Терган олманг ранги чехранг қизилидай,  
Лайложон!  
Ҳузур борми ошиқликнинг ҳузуридай,  
Лайложон!  
Қизув ҳам йўқ шу хилқатнинг  
қизувидай, Лайложон!  
Қизиқ ҳам йўқ сен бор ернинг қизигидай,  
Лайложон!

1966

## ТУШИМДА КУРДИМ, ОНАЖОН

Тушимда кўрдим, онажон,  
Онажон, зимзиё тун.  
Оппоқ мрамар ҳайкалсимон  
Қаршимда турдинг беун.

Сувсиз сўлиган пахтадай —  
Чеҳранг бўлди намоён,  
Бошга мушкул иш тушгандай  
Қайишдингми, онажон!

Тушундим бугун, онажон!  
Руҳинг фаришта мисол.  
Сенга недир яхши, ёмон,  
Сенга — мангулик хаёл...

Нечун турасан мунғайиб  
Назарингда бир озор.  
«Чарчади-я ўғлоним», деб  
Бўлмоқ истайсан мадор.

Айтар эдинг-а кўп замон,  
«У дунёдир қоронғу...  
Сен униб-ўсгин беармон  
Ер юзи тўла ёғду».

Соғиндим сени, жон она,  
Сенга сирим, сўзим кўп.  
Тушларимда ҳам парвонам —  
Бир қучақол «қўзим», деб.

Шу сўзларингга мен зор,  
Суйса ҳам ёр — ой юзли.  
Онаси тирик одам бор —  
Юз ёшда бола тарзли.

Биламан, йиғлаб тинмайсан,  
Улмайсан юрак тафтидай.  
Не учун бир сўз демайсан,  
Солма қийноқ заптига.

Сўзла-чи, турма мунғайиб  
Интиқ қилма кўзингни.  
Тўхтагил, бўлмагин ғойиб,  
Сенга қўлим чўзилди.

Шу сўзни айтиб уйғондим.  
Кўз ёшдан ҳўл болишим.  
Хона нурли. Тонгнинг олди —  
Ёришиб борарди кун.

Болиш ҳўлдир кўз ёшимдан —  
Шабнамими даламнинг?  
Уйғондим, шундоқ қошимда —  
Ойиси турар боламнинг...

• 1966

## ЮКСАКДАГИ ОЛОВ

Севмоқ қандай, севикли бўлмоқ  
қандай? —  
Бахтнинг олтин калитини олгандай!  
Кўкракда турган каби булбул сайраб  
Қўшиқ бўлиб жаҳонинг тўлғонгандай!

«Севдим» дея шивирлаган сўз гўзал,  
Табассуми унсизгина кўз гўзал,  
Юз кун турган фотодай чорчўп аро  
Жонсиз сиймо кўринар тенгсиз гўзал.

Умр бўйи куйиб ўтган бировлар,  
Бахтга тўлиб суйиб ўтган бировлар.  
Қўл куймаса, ушлаганинг кул эрур,  
Ишқ — юксакда ловиллаган оловдир.

1969

**МЕН СЕНИ УЛАН  
УЧУН УЙЛАБ ТОПДИМ**

*(Илҳом парисиға)*

Сенга уйқаш соз чертаман куйда ман,  
Сени изламоқнинг дарди ҳам ёмон.  
Қалбим урармиди деган ўйдаман,  
Илҳомсиз эртамни кўрмасман аён.

Кўрмагансан, кўрмаганман сени ҳам,  
Бироқ таниш қадамларинг сезаман.  
Ловиллайсан оташ бўлиб қай бир дам,  
Қай маҳалда гулсану, гул узаман.

Айтгил, шарпамисан, сеҳрсанми ё?  
Ё ширин тушмисан — ёндирган дилим?!  
Ё гўзал қизмисан қалби мусаффо!  
Шиддатли даврсан ёки бетиним?

Ўйноқладинг, қанот қоқдинг қуш мисол,  
Хаёлимни сўнгига бўйлаб боқдим...

«Ким экан», деб сурмасинлар ҳеч  
хаёл —  
Мен сени ўлан учун ўйлаб топдим.

Суйган макднинг йўқ — юракдан  
бошқа,

Имлою каломинг эзгу ҳис, ният.  
Сени ўхшатаман мен қалам қошга,  
Гулдан ҳам сулувим, сулув шеърият.

Ранжу алам чекиб қотди-ю бошим,  
Қиёфанг хаёлан этдим намоён.  
Севинчим, ғамимда илк бор йўлдошим,  
Элимга дил амрин этасан баён.

Шеър-ўландан ўзга йўқ суйганим,  
Изласам — оҳангни сендан топаман.  
Сен дил чертсанг, эзгу умид уйғониб —  
Кўнгил узра шодлик қураар анжуман.

Сирларимга ҳамнишин бўл, дўст <sup>бўлгил,</sup>  
Куйлаб ўтган йилларимга бўл йўлдош.  
Улан учун сени топди бу кўнгил,  
Зориқтирма уни, Илҳом, бўл қўлдош!

**1969**

...Ечгин-да этигингни, пайпоқчан кел,  
Пешонамдан кўрайин пайқаб қолса.

*Халқ қўшиғидан*

\* \*

Соғиниб чақирдими, қувонибми?  
Еш пари кўнгил қўйиб, севди кимни?  
Кўрмадим оширганни қозоқ қиздан  
Севгининг мунгинию журъатини.

*1969*



## ЧЎПОН

«Қозоқнинг қозоқлигин, одамлигин,  
Яйловин, жўмардлигин, омонлигин  
Бедахл сақлаб келган бир найзамас,  
Таёғим, мўмин касбим — омонлигим».

О, Чўпон, шундоқ дея оласан сен,  
Борлиқдай боқий яшаб қоласан сен.  
Қарвондек кўз ўнгингдан ўтказасан  
Ҳайвоннинг инсоннинг оқ-қорасин.

Ўтмади дов-да қўйсиз, ёв-да қўйсиз,  
Битмади битим қўйсиз, савдо қўйсиз.  
Ҳамроҳи бўлиб юрдинг ют ва қутнинг,  
Неча тож-тахт алмашди ўйли-ўйсиз.

Хонликни, подшоликни ажал олди,  
Қўй қолди, чўпон қолди, таёқ қолди.  
Ўзингсиз тақдирнинг-да тақдири йўқ.  
Айтмоқчи, сени қандай асраб қолди?

Қуёш сенга қараб соат тўғрилар,  
Қирга чиқсанг, сўнгра шуъласин тарар.  
Сен ётсанг — ётар вақтим бўлди, дер ой.  
Ухласанг тун ҳам оромга йўғрилар.

Сен — чўлнинг саксовули куйиб ўсган,  
Сен — қоя чинорисан баланд ўсган.  
Кўксингни аёз ялаб, офтоб ўртаб,  
Тешилди тоғу тошга тегиб ўкчанг.

Забт этилса чўққилар қувонгайман,  
Бугдойзорлар мавжидан яйрагайман.  
Кўзим яшнар ёш шаҳар, навниҳолдан,  
Эзгуликни бир умр куйлагайман.

Ҳайратлангум сенга бола каби ҳали:  
Кулармиди сен бўлмасанг чўл иқболи.  
Биламан — навқиронсан, ёшардинг сен,  
Фотиҳа берди даштнинг доно чоли.

Туққан ерга кимнинг қалб қўри  
сингса,  
Эҳтиром, эъзоз топар эл ичинда.  
Чўпондан академик чиқмоқдадир  
(Ва лекин бунинг акси бўлмасин, ҳа.)

Илму ҳунар камолотга интилажак,  
Бир куни радио, робот қўй боқажак.  
Лек уларда бўлмас-ку чўпоғ қалби,  
Ер-сув, дала ишқида ким ёнажак?

Ойга-да олиб борар кема у он,  
Ошиқар Чўлпон сари гуллар хандон.  
Таёғинг етмас уфқ йўқ бўлса-да,  
Ерда юр, Чўпон, сенга дала гирён.

1969

## БОКС ҚОНУНИ БҰЙИЧА

Бирга-бир — бу бокс қонуни,  
Бирга юзта қарши туриш йўқ.  
Елкадан ошириб зарбани,  
Киндикдан пастига уриш йўқ.

Ҳаётда-чи, афсус, ҳамма вақт  
Ёв бетма-бет келавермайди.  
Оёғингдан чалиб кетар шахт,  
Гоҳо сиртдан сўйил сермайди.

Адовату ҳасад, жоҳил хун...  
Шундандир гоҳ дунё торлиги.  
Ҳақорат эрур инсон учун  
Шундайин иллатлар борлиги!

Адолатли халқнинг кўзида  
Таъзирини берсанг ундайни,  
Келармикан шунда ўзига?  
Муртадни муштгина ўнглайди!

Ўлмасину, ўтсин жонидан,  
Кўзларидан унинг ўт чиқсин.  
Воқиф бўлсин бокс зангидан,  
Ору номус нима — бир уқсин.

1970

## УФҚ ВА КОИНОТ

Ястаниб кўз олдимда бий чўл ётар,  
Довию довулидан заҳри ортар.  
Бобом-ла субҳидамдан бирга туриб  
Бормоқда уфқ сари, ёйиб отар.

Ҳайтовур бораётир, судралар у,  
Кифтида тирикчилик ғами—қайғу.  
Хўрсинди, маъюс тортди, армон қилди,  
Кўксида қат-қат эди ҳасрат-оғу.

«Айёр чўл», «Йиқитар чўл», «Бепоён  
чўл» —

Гўёки ортиқ қиёс йўқдай буткул.  
Ўзгача атамади ҳеч ким уни,  
Ёв каби қарадилар унга нуқул.

Азим чўл бағрида не пинҳон қотди —  
Кимнинг ташвишида ўйга ботди?  
Ким билган — ўктам қозоқ гарданидан  
Қай шайтон, қай фаришта босиб ётди.

Билгани йўқ, замон кўчи ўтаверди,  
Ҳа, чўл унга жумбоқ эди, тилсим эди.  
Ким ўйловди ахир, у ҳам етиб уфққа,  
Эзилган эгик қаддин тиклайди, деб.

Бугун-да кўз олдимда бий чўл ётар,  
Довруғи ер-дунёни олаётир.  
Энди унга уфқ ҳам торлик қилиб,  
Коинотга бўй чўзиб бораётир.

1970

## НОН

Ваъз-насиҳат ўқимайман нон ҳақда мен,  
Қадри мангу улуғларман бироқ-да мен.  
Едимдадир,

унинг зарра ушогини  
Бир парча тонг баҳосига кўргандим  
тенг.

Не-не хасис замоналар кечмади, ҳа,  
Не-не савдо айланмади нон устида.  
Кўрганман,  
дон қаҳат бўлган далаларни  
Ҳамда очлик зада қилган шаҳарни-да.

Ўтиб кетди очлик, уруш қийнаб жонни,  
Бу кун нонсиз ўйлаш қийин дастурхонни.  
Ҳар бир қозоқ олиб чиқар меҳмонига  
Қуёш нусха, хуштаъм, ширин, това  
нонни.

Бизнинг қозоқ азалдан-да қизиқ халқдир,  
Уни забун этолмаган дину тақдир.  
Зеро унинг оллоҳ дея топингани  
Олло учун эмас, балки меҳнатгадир.

«Нонга қўлинг чўзсанг, майли, бос  
қуръонни,  
Лекин қуръон олайн деб босма нонни».

Шундоқ бўлган халқим кўҳна ақидаси  
Ва фалакда изламаган у ошённи.

Улан менинг бор бисотим, симу зарим,  
Жўмард деҳқон наслига йўқ ҳеч аярим.  
Юрагини шеърларимга ўрасин у,  
Пиллапоя бўлсин пойдор сатрларим.

*1972.*

## МИНГ РАҲМАТ СЕНГА

Минг раҳмат сенга,  
Минг раҳмат сенга,  
Тафт бердинг танти ёз бўлиб,  
Эламай ғамни,  
Эламай камни,  
Юрдим мен сарафроз бўлиб.

Минг раҳмат сенга,  
Минг раҳмат сенга,  
Сарин ел бўлиб эсасан.  
Қайтолдим бир оз,  
Қайтардинг бир оз  
Уртанган йиллар ҳиссасин.

Кўтаргум дедим,  
Кўтарар эдим  
Дунёнинг юкин ортсанг-да,  
Асилдир зоти,  
Пойганинг оти  
Талпинар тизгин тортсанг-да.

Қувониб-кулиб,  
Беташвиш юриб  
Сезмабман пешин оққанин.  
Оллиги ортиб,  
Олови қайтиб,  
Бош қўйди аста тоққа кун.



Дўст, сўнмасанг бас,  
Сурурим сўнмас,  
Сен билан ой ҳам туққандай.  
Шивирлайди ел,  
Гувиллайди ер,  
Исмингни тилда тутгандай.

Йўлимни — ўтган,  
Бисотим кўпдан  
Улчайдирман мен ўлан-ман.  
Минг раҳмат сенга,  
Минг раҳмат сенга,  
Умр учун — шеърга беланган.

1973

### КУЗ

Кунлари бор — тафти буткул сўнмаган,  
Гуллари бор — ҳали тўйиб кулмаган,  
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,  
Ёзи ўтиб,  
қиши етиб келмаган.

Сўнган ёздан ёдгор унинг ёлқини,  
Жунжиктирар тонглар шудринг  
салқини.  
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,  
«Эрта» эмас,  
кеча бўлган кўп куни.

Ялт-юлт этиб чақин ўйнар йироқда,  
Чўмалайлар ўртанмайди бироқ-да.  
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,  
Дилдирайди боқиб ойна булоққа.

Гоҳо очиқ,  
гоҳо кунлар беёғду,  
Гоҳо ёмғир, гоҳ қор босар — оқ, парқу.  
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,  
Ёз ва қишни туташтириб турар у.

Хазон тўла боғлар боқар паришон,  
Энди унда яшилликдан йўқ нишон.

Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,  
Нигоҳида алланечук дард ниҳон.

Далаларда жилваланган сароб-да  
Кумуш тонгдан энди мужда эмас, ҳа.  
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,  
Зоҳиридан на қария, йигит на.

Рангпар офтоб сўйлар кўкда сўнгги роз,  
Зеро унинг тафти-қўри қолмиш оз.  
Куз ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,  
Билар — йилда икки марта келмас ёз.

Бироқ куздан мўл-кўл неъмат эҳсондир  
Ҳамда куз чўнг сарҳисобга имкондир.  
У ҳам ўхшар менинг эллик ёшимга,  
Кўпни кўрган, теран ўйли деҳқондир.

1974

## Й И Л Л А Р

Йиллар...

Ажиб бир сеҳри бор:  
Нураб кетар гоҳ қумдай,  
Чумолидай гоҳ бунёдкор,  
Аёвсиз гоҳ тошқиндай.

Қудратлидир вақт қўли,  
Меҳнат-ла зеб бериб илк —  
Бамисоли заргар бўлиб,  
Маймун қадин этмиш тик.

Маймун одам тус олганми  
Ё маймунлар — бевурд кас?  
Гувоҳидир ким ҳам бунинг,  
Бу менга ҳам ошкормас.

Албатта, бу бир ҳазил сўз,  
Лекин тагдор ҳазил бу.  
Инсон зоти, ахир, бу кез  
Юксакларни қучди-ку.

Йиллар забти сўндираар гам,  
Сурур берар дилларга.  
Шу хислати бор учун ҳам  
Олқиш айтгум йилларга.

Деҳқон кўклам тароватин  
Қайдан билгай йилларсиз?  
Очгайми ер саховатин  
Ҳароратбахш нурларсиз?

Олқишлайман, йиллар, ойлар,  
Елларинг-чун хуш, майин.  
Ҳаётимнинг ҳар дамида  
Ризқим кўрдим мен тайин.

Олқишлайман иқбол тўла  
Чоғлар учун такрор, боз.  
Лек лочин ҳам карахт бўлар  
Қилмаса гар чин парвоз.

Қириш, тиклаш — эгизмикин  
Нафрат, севги сингари.  
Қизни — кампир дегизди вақт,  
Алп йигитни — чол, қари.

Йиллар қўли қудратли, ҳа,  
Замонларга эш, сирдош.  
Унинг забти, тоқатига  
Харсанглар-да бермас дош.

1974

## САРҒАЙҒАН ДАФТАРДАН ШЕЪРЛАР

### Илтижо

«Давосиз дардим бор, умрим оз қолди...»  
Дейишга қандайин, қиз, тилинг борди?  
Бу гапни ўйнашиб ҳам айта кўрма,  
Ё камсўтган, сендан кулганим борми?

Шу гапинг кўнглимдан чиқмас сира  
ҳам.  
Ўйинг-ла яшайман ҳар ерда, ҳар дам.  
Гоҳ кўзим олдини қоплайди булут,  
Кўнглимни юпатмас бу ёруғ олам.

Кўпчилик қатори дўстингман, ишон,  
Лек дўстдан яқинроқ бўлишим гумон.  
Шундаям, мен юрган ерда юрсин, деб,  
Тақдирдан илтижо қиламан ҳамон.

### Юлиб ташлолмайман...

Бўлмаса улкан мақсад, буюк орзу  
Қай шоир эл дардига бўлган кўзгу?  
Юракдан сени юлиб ташлолмайман,  
Дард бўлсанг ҳам кўксимда, дардсан  
эзгу.

Табиат инъом этди борин менга,  
Қалб қўри, идрок кучи, орин менга.

Ўзим ҳам беҳаловат одамманми,  
Ҳеч тинчлик бермас армон, зорим менга.

Азизим, армон бўлиб қола бергин,  
Оромим, фароғатим ола бергин!  
Шеър, илҳом ўти бўлиб кўнглимга кир,  
Ўчмагил, минг алфозга сола бергин.

### Фақат сени.

Шеърият— бу умр менга, куй менга.  
Уни раво кўролмаيمان ҳар кимга.  
Фақат сени ўлан билан сийлайман,  
Ёқармикин, э паризод, у сенга.

Шеър туғилди у дам менинг бошимда,  
Тош мисоли унсиз турдинг қошимда.  
Киприкларинг нега бехос «дир» этди?  
Ё чўмдимми ғам-ғуссали ёшингга.

Ёхуд тилсиз қувондим юрагинг?  
Ундай бўлса, нега айтмай турардинг?  
Кўкрагимга сиғмай, ахир, ҳисларим,  
Ёрилгудай бўлиб мен ҳам турардим.

Уша онни эсда мангу сақларман,  
Сир сандигин шеър-ла очиб ахтардим.  
Киприкларинг қолди узоқ қадалиб  
Мўлдир-мўлдир мунчоғига оқ қорнинг.

Поэзия— менинг учун куй, ҳаёт,  
Ўзгалардан қизғанаман, билиб ёт.  
Фақат сени ғазал билан сийлайман,  
Эй, жилвагар, гул юзлигим, паризод.

## Шифокорим ўзинг бўл

Кўнгилнинг куйи чертилди,  
Шодликка гавдам кўмилди.  
Дардинг-ла эмлаб дардимни,  
Шифокорим ўзинг бўл энди.

Кўзингдай ёшли жонингни  
Тўлароқ билдим шу бугун.  
Кўрмадим мисдай танингни,  
Урушда сенсиз ўтди кун.

Қолган кун яхшими, не бўлар?—  
Билмайман, эркам, уни ҳам,  
Қайғуми, ҳасратми, не кўмар?—  
Қийиндир билиш сўнгини ҳам.

Чекимда бўлса қандай кун.  
Мен унга кифтим тутаман.  
Бўлсам-да сен деб жигархун,  
Уни мен бахт билиб ўтаман.



## УНУТИЛГАН УЛАНЛАР

\* \* \*

Хувиллаб қолди ўрнинг,  
Унут бўлган ёлгондай.  
Зориқди, ёнди кўнглим,  
Дунё нурсиз қолгандай.

Тутдим сасингга қулоқ,  
Эшитсам деб ногаҳон.  
Дилда довулдай титроқ,  
Жонимда дардим ёмон.

Келдинг— босилди бари,  
Соғинч топди оройиш.  
Алдамчи сўз сингари—  
Ўзимга бўлма койиш.

Бу лаҳза, ақлим-ҳушим—  
Сени деб қўшиқ бошлай.  
Бўлмагил олис тушим,  
Юракда ётган тошдай!

\* \* \*

Ёш кўнгил, лочин қушдай қиёдасан,  
Интиласан, толмайсан, қиёлайсан.  
Билмайсан ҳамдамликни, ёлғизликни  
Дунёни ёмонликка қиёлмайсан.

Ёш кўнгил, аврайсанми, алдайсанми,  
Гап-сўз бўлиб оғизларда қолмайсанми?  
Еру само бир сен учун яралгандай,  
Қўлларингга даст кўтариб  
олмайсанми?

Йигитнинг ёвқурлиги ўланмасми?  
Яхши шеър чин юракдан куйланмасми?  
Хуш кўрганинг сулув қиздай ўлан  
ҳам—  
То абадлик юрагингга уланмасми?

\* \* \*

Гул эдинг кулиб турган, тўлиб турган,  
Қувнатган, қизгантирган,  
зориқтирган.  
Хаёлимдан ўчармиди ул дақиқа—  
Сен гўзални йўлларимга йўлиқтирган.

Йўлиқдинг, бироқ ўтинг ёндирмади,  
Тақдир дилим муҳаббатга тўлдирмади.  
Ёпирай, лоқайд бўлиб қоласанми,  
Юрагинг— музми, олов индирмади!

Майли, эркам, истагил, хоҳ истама,  
Дил бу хил севгига йўл ҳам изламас.  
Ўз ўтимдан кучли оташ бўлмасанг,  
Ёнасан яқинлашма, дил кўзлама.

\* \* \*

Дала, тингла куйимни, шаҳар, тингла,  
Тингламаган армонда қолар, тингла,  
Учиб келдим, ярақлаб учиб келдим,  
Муҳаббатнинг ва бахтнинг қанотида.

Айланай бахмал туним, равшан туним,  
Ҳарир нурунг айла менга гулшан  
туним.

Ошиқларга кундуздан нурафшонсан—  
Қизғалдоқлар шуъласидай кулган  
туним.

Чўлпон бор-ку, не қилай кундузингни,  
Тенгсиз тундан топдим мен  
кундузимни.

Менга бўлса, бахмал тун, йилга чўзил,  
Сўндирма ҳеч муҳаббат юлдузимни.

## ДОСТОНЛАР

### САЛОМ АЙТДИМ

Салом айтдим қалам қош,  
Сенга қурбон мол ва бош.  
Сени ўйлаб согинчдан —  
Кўзга келур иссиқ ёш.

*Абай*

Ёзганим ўзга менинг,  
Тузганим ўзга менинг.  
Сенинг учун ёнганим—  
Озганим ўзга менинг.

Салом, салом, қаламқош,  
Сенга— ихлос, молу бош.  
Куйингда бўлдим қурбон,  
Сенсиз сел бўлди кўз ёш.

Бўлмаса ҳам тилида дулдул кучи,  
Канда қилмас хонишин булбул қуши.  
Жоним берай сенга майли, паризод,  
Йигирманчи асрдан юз йил кичик.

Ёшлик сўнги, кексалик олди бу кун,  
Сени кўриб юрагим толди бир кун.  
Ерда эмас, анув Ойинг сатҳида  
Қалин молинг мисоли қолди мулким.

Қолди мулким тирикчилик кўйида,  
Вақт олмашди менинг ташвиш—  
ўйимда.

Мен орқали қуёш чиқди саҳарлаб,  
Мен орқали нур ташиди уйингга.

Юрдим— ҳаёт, ўлим билан басма-бас,  
Шафақ рангли кунга доимо пайваст.  
Мен бўлмасам, ер курраси айланмай,  
Ҳаракатдан тўхтар эди бу нафас.

Замонларнинг қолиб шахд-туманида  
Ушоқланиб кетар эди замин-да.  
Мен офатнинг шарт қирқдимун йўлини,  
Яратолдим Ернинг бахтли дамнин-да.

Мен ажални четлатдим сендан доим,  
Ерни елкам узра кўтардим қойим.  
Улсам уни руҳим билан тутаман,  
Сени бахтли бўлсин деб, гулчиройим.

Мен дегани — ўйпараст шеър  
йўлдоши,  
Йигирманчи асрнинг маслакдоши.  
Мен деганим — Октябрдан баҳр  
олиб —  
Қалбига жо қилганлар нақ қуёшни.

Нетай, сенга ўзимни таништириб,  
Кетмаганми юраклар топиштириб.  
Ўқийсанки, умрим ҳикоясини  
Ҳеч бўлмаса бир аср олис туриб.

...Кулгуларинг дилга қувват солади,  
Сеҳри билан, ҳой қиз, жоним олади.  
Ел ҳам тўлиб кокилларинг атрига —  
Бўй уфуриб, тўлқинланиб елади.

Қиз шаънига, май шаънига кўп  
замон  
Шеър тўқишиб ўтди оқинлар бийрон.  
Ўша ўтганларни этиб зиёрат,  
Удумини тутиб, ёзамиз дoston.

Ҳар иккиси бор бўлсин тургунча ер,  
Бири — сингил, бири ёру дилбардир.  
Одам Ато билан Момо Ҳавомиз —  
Ул иккисин бизга мерос этгандир.

Мен ҳам ишқни, майни айласам иншо  
Айб этма-ю, мадад бергил сен аммо.  
Илк шеърларим дафтари илгингдадир,  
Шам мисоли ёнар унда куй-садо.

Ут ичида хўп синалди йигитлик,  
Ёш юраклар доим юрди умидли,  
Қилич билан ерни, элни қўриқлаб,  
Окопларни қонимиз-ла ивитдик.

Уша кунлар оқин сувдай сурилди,  
Ақлимиз ҳам «чархланди, тиг

урилди».

Йигитликнинг ори бордир юракда,  
Бу кунларга ёруғ юз-ла юрилди.

Умр! Умр оқармиди терс томон?  
Шундай ёшлик ортга қайтмас бегумон.  
Кўнгил қурғур ёшлигимни қўмсайди,  
Қайта бошдан бўлайин деб навқирон.

Кўринглар-чи бугунги бўз болани,  
Кўзларига боқсанг кўзинг толади.  
Гўзаллик ва шодликдан яралгандай.  
Ёшлигига бир ҳавас қўзғолади.

Бола эдик, яланг оёқ ўтин терган,  
Қирда ёвшан, шувоқларни бетин  
терган.

Ўттизинчи йиллар ўғлони эдик,  
Бир костюмни ўнимиз кия берган.

Суҳбатимиз қизиқ эди, бўлак эди,  
Ўртоқчилик бизга олий тилак эди.  
Ўлан ёзсак, баб-баробар шодланардик,  
Самимийлик бизга доим тирак эди.

Бир-бировга ҳар дақиқа эдик маҳтал,  
Она юртнинг оташ меҳри дилда  
машғал.

Ер юзини тенг кўрмоқлик шавқида  
Хаёлларга чўмар эдик у маҳал.

Манманликка учмадик ҳеч биримиз,  
Йўқни бунёд этди шан-тадбиримиз.  
«Бўлмагани бўлдирамиз», дедик биз,  
Комсомол журъати — чин тақдиримиз.

Шундай шаддод эдик. Эдик  
тортинчоқ...

Мақтов эшитганда қизардик ҳар  
чоқ...

Суйишмадик кўчада, кўз олдида  
Жону дилдан кўриб ишқни азизроқ.

Биз билан бир сафда, битта оқимда,  
Дақиқалар келар тўкис оқимдай.  
Ўктам дақиқалар, қанотли дамлар,  
Увоқланиб кетар гоҳо чақиндай.

Бунча қизиқ экан, ёпирай одам!  
Англашга шошаман жумбоқни бу  
дам.

Ота йўлин тилар менга лаҳзалар,  
Умр юкин кўтаргандай чинакам.

Ўлим учун туғиларми одамзод?  
Умрни безаш-чун яралмас наҳот<sup>6</sup>

Келажак қудратин ололсак англаб,  
Армонлар ушалур, гул бўлур ҳаёт.

Эркама, хоҳ қабул эт, хоҳ айла инкор,  
Сени ардоқловчи хаёлларим бор.  
Истасанг, гул билан оқиз хатимни,  
Фақат уни сохта, демагил зинҳор.

Ўтмишни эсламоқ инсон хулқидир,  
Хатим тўзса ҳамки, сенинг  
мулкингдир.

Унда не ёзилган, билмам ўзим ҳам,  
Йиртиб ташла уни, ўзим очдим сир.

Ном-нишонсиз кетган ёғду эрур кўп.  
Сўниб битган юлдузин эсларми кўк?  
Юлдуздан кўп йўқолган йўлдошларим,  
Йўқлай десам, лаҳзалар тўхтарми тек?

...Учраб қолди йўлларимда бир аёл,  
Эски дўстдек сўрай кетди қол-аҳвол.  
Қайда кўрдим? Кўрганман уни  
қачон?..

Чиройига боққанча турардим лол.

Бунча ўтли аёлнинг қора кўзи!  
Ё тигмикан дилни ўртайди сўзи!  
Танимадинг, — маъюсгина деди у, —  
Унутибсан ёшликни ҳам сен ўзи!

Дўппи узра тугиб олмиш сочини,  
Сипо либос кийиб, гул-гул очилиб,  
Манглайда пинҳон қўнмиш ажинлар,  
Ҳижронданми тўккандир кўз ёшини.

Манглайда нўхотдек бир қора хол,  
Мени эсга олгил демоқчи мисол.



Олис йиллар равшан тортиб борарди,  
Ҳамон менга қараб турар у аёл.

Бу кўзларни, бу ҳолни қайда кўрдим,  
Кўрсам, ёлғиз кўкдаги ойда кўрдим.  
Ойдай тўлин, кундай рўшно қиз эди,  
Аттанг, Сармон... шу сўзни айта  
кўрдим.

Шу сўз учди лабларимдан бесадо,  
Аёл эса сўйлай кетди шу асно;  
— Мен Чўлпонман... Чўлпонман-ку,—  
дерди у,  
Қулагандай бўлди бошимга само.

Чўлпон! Сармон! Ёшлигимнинг  
йўлдоши,  
Ёшлик ўти — беқиёс ўт, қуёшли.  
Соғинганда кўролмасдим бир лаҳза,  
Соғинарди ёшлигини бу бошим.

Тушларимда чорлаб сизни неча бор,  
Ёшлигимни қўмсар эдим ошкор.  
Қувончимни, ғамимни — тенг  
кўрганлар —  
Сиз — сирдошим, ишда — танги  
мададкор,

Оқ Ёйиқнинг ёқаси, Хон ўрмони...  
Биз бир бўлсак, бор-ди ҳар не имкони.  
Осмонида чақиндай ярақлаган  
Қанотлардир, ёш юракнинг армони.

Учов эдик, истагимиз бир эди,  
Олисларга ундаган бир сир эди.  
Муз ўпқондан — «Челюскин»ни  
қутқариб,  
Осмон кезиш — бизга зўр дастур эди.

Аста-аста чекинди болалик ҳам,  
Йиллар қолди, алмашди ёзу кўклам.  
Ерда ёлғиз бўлса-да Ер Чўлпони,  
Орамизга нифоқ солмади ҳеч дам.

Чўлпон! Чўлпон! Номига муносиб қиз!  
Бахтдай суюк, бахтинг бўлгай насиб қиз!  
Тўти қушдай тонгдан-тонгга турланиб,  
Учар эдинг эркин қанот ёзиб қиз.

Тонг ўргилсин, оппоқ эдинг тонгдан  
ҳам,  
Гавҳар каби зилол эдинг чинакам,  
Тундай қора кўзларингда нур ўйнаб,  
Йўлларингни ёритарди дамо-дам.

...Тенг кўрмоққа ботинолмай  
қолганим,  
Хат ёздиму, жавоб кутиб толганим...  
Ойна булоқ каби шаффоф юрагинг  
Ҳали ҳануз айлаб келар лол мани.

Лоллигимни этолмадим мен баён,  
Назар солиб, дил уқмадинг сен ҳамон.  
Такаббурлик эмас, хулқинг эди шу,  
Куйдирмоқни «сийлов» дединг ҳар  
қачон.

Учов эдик, тақдиримиз ўзгача,  
Болаликдан — талабалик кезгача,  
Тўлқинлари ичра оқиб ҳаётнинг,  
Жаҳон осмонига солган изгача.

Баҳам кўрдик туздан токи қора нон...  
Сирларимга ўзинг сирдош, қадрдош.

Йигит бўлдим, сен бўлдинг қиз —  
қаламқош,  
Юракларга севгимиди ҳукмрон!

Севгимиди, сенга тикилган оним,  
Сенсиз тотли туюлмас эди ноним.  
Рўзгор қуриб, турмуш измин тутганда.  
Яна эсга тушдинг, ёнди бу жоним.

Ихтиёрсиз... сенга кўнглим бор эди,  
Сенингсиз ер — тобут каби тор эди.  
Майли дедим, дўстим учун суюндим,  
Сармон — оға сен-ла бахтиёр эди.

Сенга лойиқ эди Сармон, мард Сармон,  
Сенинг ишқинг билиб буюк дард,  
Сармон.

Кўнглинг каби у оқ кўнгил эди-да,  
Хуш кўргани эди тоғу дашт, ўрмон...

...Она йўлда қолди салқин ўрмон ҳам,  
Муҳаббат ҳам, создай ёрқин у тонг  
ҳам.

Фироқ кирди ногоҳ висол йўлига,  
Синов бўлиб, бўлиб жафо бемалҳам.

Эл қатори Сармон йигит шайланди,  
«Гренада» қўшиғи ҳам куйланди.  
Биздан кейин шинель кийди Чўлпон  
ҳам,

Жон бордирки аскарларга айланди.

Буюк халқнинг сафи тизилди равон,  
Тақдирларни туташтирди жанг-  
майдон

«Кўпга келган тўй», — дедик-да,  
урушга

Кирдик «Ҳаёт-мамот» дея беомон.

Тўрт йил бўйи тортдик бир ташвишу  
дард,  
Имкониини ишга солди ҳар бир мард.  
Қурол билан озодликни қўриқлаб,  
Тонгимизни асрамоқлик — бўлди аҳд.

...Қола олдик буюклик тоғимизда,  
Ёт қадамлар тушмади боғимизга,  
Юзга кирган чолларнинг кўрмаганин  
Бизлар кўрдик бўз бола чоғимизда.

...Ғалаба-чун фидо этди умр, жон...  
Қутлуғ кунга етолмади шер Сармон.  
Қайтдимикан Чўлпон жангдан  
саломат —

Юрагимни кемирарди шу армон...

Сўзларимни бўлди шунда Чўлпон қиз,  
Сўз бошлади рухсат кутмай, гирён  
қиз:

— Мен ҳам сени танимадим юзингдан,  
Ёшлик кулган кўзинг эслайман бу  
кез.

Уша Сармон, ёвқур Сармон қайдадир!..  
Ерда ухлар... қабри олис жойдадир.  
Майдон ичра мардонавор йиқилди,  
Мангу ухлар... юрак усиз қайтадир?

Солдатликдан қайтдим ўқлар тинган  
йил,

Ҳали-ҳануз жароҳатли бу кўнгил.  
Ёр қабрида кўз ёшларим бўлди сел,  
Умрим сенга, Сармон, бевақт сўлган  
гул!

Нолимадим тақдиримдан ҳеч қачон,  
Ёшлик фасли ўтди, рўбарў мезон.

Сабр-тоқат таянч бўлди ҳамиша,  
На дуч келса, мункимадим, ҳа, ишон.

Сочларимга оралади оқ тола,  
Бахтсизликдан айламадим зор-нола.  
Қишлоқда ўз обрўйим, ўз ўрним бор,  
Дерлар... «Одам — одамнинг захрин  
олар».

Дўстларим бор чор тарафда  
ҳамнишин,  
Йигирма йил — баҳам кўрар  
ташвишим,  
Бир ёдгорлик ўрнатишди Сармонга,  
Шунда ўтар тўкин ёзим, қор-қишим.

Нарёғ бетда, Днепр ёқасида  
Ўхшаб гўё Сармоннинг оғасига,  
Баланд тепа узра Тарас шоир ҳам —  
Ўқир ишққа ва ҳижронга қасида,—

Деганича маъюс тортади Чўлпон,  
Сўз тополмай термуламан паришон.  
Меҳру муҳаббатин ардоқлай олган  
Дардкаш, бева Аёл — ўзинг  
қаҳрамон.

Йиғламоқ бўлар-да, ёшин яширар,  
Нафас бўғилгандай қалби ғашланар.  
Бўта кўзлар нигоҳида бир алам —  
Киприклари узра томчи тоширар.

Яна, яна бузди сўзлаб ўйимни,  
— Тақдир... Тақдир аза қилди  
тўйимни,  
Чин севгига эш эмасми мангулик,  
Бахт ишлари яшин уриб, қийилди.

Улим учун яралганми эдик ё?  
Ваъда айлаб кетди, қолди ишқ-вафо.  
У — мен учун, мен — аталган у учун,  
Бир жон эдик, бўлса-да бўлак дунё.

...Келдим Сармон саломин элга олиб,  
Дилга юртнинг оташин меҳрин солиб.  
Оқ Ёйиқнинг этаги, Хон ўрмони,  
Сармон учун ҳам кўрай қониб-қониб.

Кўрарканман, дил ҳаприқар беомон,  
Ҳар галгидай шовиллаб ётар ўрмон.  
Дедим: Салом йўллади Сизга бир  
мард,  
Салом деди Сизни севгувчи Сармон!

. . . . .

Кечир, жоним, қилмам сенга насиҳат,  
Кексаликда ақл топура балоғат.  
Коммунистик асрнинг одамига  
Ақл ўргатиш керакмас, бу — ҳақиқат.

Беш қўл каби аён сенга Сармонлар,  
Ёруғ кун деб фидо бўлган армонлар.  
Сен — ўзингсан ёшлик дамлар гурури,  
Сен — буюксан, сен билан тиниқ  
тонглар.

Ёшлик сўнги, кексалик олди — бу кун,  
Сени ўйлаб юрагим толди бир тун.  
Ерда эмас, ҳатто Ойнинг сатҳида,  
Қалин молнинг мисоли қолди мулким.

1

Минг тўққиз юз етмиш учинчи йил,  
 Ун бешинчи июль,  
 Якшанба...

Минг тўққиз юз етмиш учинчи йил,  
 Ун бешинчи июль,  
 Якшанба...

Уша йил,  
 Уша ой,  
 Уша кун —  
 Борлиқ тафт, зиёга тўла кун  
 Бамисли чайқалди ер-осмон,  
 Даҳшатли тасвирга бус-бутун  
 Сигмайди, —  
 Еприлди зўр тўфон.

Одамлар,  
 Она юрт!  
 Одамлар,  
 Она юрт!  
 Сақлангиз шу кунни —  
 Учирмай хотирдан!  
 Ҳеч кимса унутиб

Кетмасин хотиржам!  
О, маним Олмаотам,  
Яшнаю тоабад,  
Ўчмасин ёдингдан  
Бу кулфат,  
Бу офат!

Гуруринг,  
Фахрингни  
Биларди кенг жаҳон.  
Қозондинг мардона  
Сен яна довруғ-шон.  
Кўп мушкул дамларда  
Айланиб аскарга,  
Енголдинг тўфонни  
Курашиб беомон.

Тилсиз ёв ҳамласин  
Даф этдинг дафъатан.  
Шахдингга лол қолди  
Замона ҳам Ватан.  
Ҳайиқмай келдинг, бас.  
Тошқинга илк нафас.  
Ташладинг йўлига  
Говлар — тоғ-қоядан.

Бемаврид ўлимнинг  
Қўллари кесилди.  
Тобутлар ланг оғзи  
Мангуга беркилди.  
Олмаотам, қудратинг,  
Шавкатинг, шуҳратинг  
Асримнинг кўзида  
Намойиш этилди!



Қуёш силжиб тик само сари  
 Саратонда куйдирар ҳар вақт.  
 Календарнинг саҳифалари  
 Балки шундан йиртилар барвақт.

Кун узайиб кетар бемеъёр  
 Хизмат вақтин тугаш олдидан.  
 Тоғ бағридан ғойиб бўлмиш қор.  
 Эпкин ухлар узлатда бу дам.

Кабинетлар димиқиб, исиб,  
 Ел қорасин кўрмагай мутлоқ.  
 Галстуклар бўйинни кисиб,  
 Семиз танлар ҳарсиллар бу чоқ.

Гулзорлардан эсмас шабада,  
 Япроқлар-да қилт этмас, сувсаб.  
 Кун тафтидан боғлар ҳам зада  
 Оқ ёмғирлар дийдорин қўмсаб.

Ургимчакнинг иплари мисол  
 Кўринади ариқ ярқираб.  
 Фонтанларнинг қошида хушхол  
 Бола-бақра гужгондир бироқ.

Кўм-кўк осмон қизиб бу маҳал  
 Шишадай дарз кетар эса ҳам,  
 Олмаотам бари бир гўзал —  
 Сулувлашиб кетар яна ҳам.

Қайрағочу  
 Терак,  
 Қайинлар  
 Яшил туси тортмагай хира.

Ирмоқлардан таралган унлар  
Тоғ бағрида  
Тинмагай сира.

Худди гугурт қутиларидай  
Турфа тусда  
Товланиб бу кез,  
Чор тарафга оқар пайдар-пай  
Автоларнинг оқими тигиз.

Кенг кўчалар оташли комда  
Илҳақ эрур шомги нурларга.  
Гулга ўхшар одамлар шомда,  
Гўё оёқ битар гулларга.

Тик кранлар эса олисдан  
Қоматларин кўз-кўзлаб бу чоқ,  
Қудуқдан сув чиқараётган  
«Турна»ларга ўхшаб кетар нақ.

Кундан-кунга  
Ешарар қалъа,  
Бўй чўзар у юксаклик сарь.  
Сўйлаб ётар  
Балки шу ҳақда  
Тўлқин уриб оққан Бош ариқ.

Интилиб у мангу чиройга,  
Олисларни кўзлайди ҳаргиз.  
Зотан кўркам кўча, саройга  
Ленин номин қўймаган бежиз.

Яшил даҳлиз мисоли шинам  
Медеога чорлайди бу йўл.  
Қўш кифтига тушган уйлар ҳам  
Юракларда завқ уйғотар мўл.

Ҳароратдан нафаси қайтиб  
Юксалар у  
Тоғ сари қайнаб  
Ва айниқса кеч кирган пайти  
Сомон йўлин эслатар айнан.

Бу паллада саргайиб ётар  
Олатоғнинг бағри ҳам карахт.  
Қорлар кўчиб бамисли уқпар,  
Кўк юзида айлайди фараҳ.

Чўнг музликлар — эриш билмаган  
Чок-чокидан сўкилай дейди.  
Қўллар — минбаъд тўлиш  
билмаган  
Пастликларга тўкилай дейди.

Юксаклардан боқиб Тийиқсув  
Хаёл сурар кунда ярқираб:  
«Чопсаммикин мисоли оҳу,  
Кенг адирлар сари шарқираб...»

Музликларнинг феълин кузатиб  
Кезар унда ҳушёр соқчилар.  
Худди темир капалак каби  
Вертолёт ҳам тинмай чарх урар.

Хабар учар эфирга тагин,  
Огоҳ этиб офатдан такрор:  
«Сергак туринг!  
Бемаврид ёнгин  
Ёхуд тошқин бўлиш хавфи бор!...»

Аммоки эл осойишта, тинч,  
Хавф-хатардан бўлса-да огоҳ.  
Одамларда фақат бир илинж:  
Сал шабада эсса эди, оҳ...

Тоғдан етиб келгунча хатар  
Ҳали гап кўп, дерлар хотиржам.  
Йўлда қолиб Кичик Олмаота —  
Ошармиди дафъатан қирдан?..

Қилолмасди ҳеч ким тасаввур  
Сел шиддатин,  
Унинг елишин  
Ва борлиқни забт этиб бир қур  
Субҳи саҳар босиб келишин.

Ўзгарганди авзойи сувнинг —  
Туси, мавжи эди ғалати.  
Қўнғирлиги недандир унинг?  
Қани унинг зилол ҳолати?

Ёғдимикин ё тоққа ёмғир?  
Ундай десанг, кулиб турар кун.  
Хуллас, бунда бордирки бир сир,  
Сойлар ранги ўзгармиш бутун.

Тоғ тарафдан  
Болалар лиқ-лиқ,—  
Тушиб келар тўп-тўп машина.  
Бундай бўлмас эди-ку...  
Қизиқ,  
Саёҳатми, сайрми бу, нима?

Ажабланса бировлар бундан,  
Завқлангандек эди баъзилар..  
Гумонсираб турганлар бу дам  
Дерди: «Бунча ошиқиб келар?..»

Хандон отса,  
Кулса болалар,  
Дилгир уйлар бўлмасми бозор?

Ғар жавдираб турса болалар,  
Ҳар битта дил топмасми озор?

Шодон дамлар болаларни биз  
Эркалатиб тўймаймиз асло.  
Сал хатарни сезса кўнглимиз,  
Ўйлағаймиз уларни дастлаб.

Хотирдадир уруш кулфати,  
Учирсак-да оловин-ўтин.  
Аввал гўдак бахтин ўйлади  
Шу дамлар ҳам Ватаним, юртим.

Ҳозир ўйнинг мавриди эмас,—  
Машиналар нечун саф-қатор?  
Болалар-ку,  
Чин хавфни сезмас,  
Юзларида лек жиддийлик бор.  
Йўлга тушмоқ тўсатдан, зумда  
Улар учун эди кўп оғир.  
Тоғ бағрида яйраб, ўйинга  
Тўйишмаган эди-да, ахир.

Болалардан деди бирови:  
— Лагерлар ҳам, қара, кўчмоқда...  
— Демак, бекор осмон авзойи  
Бузилмаган экан бу чоқда.

«Сел!» деган сўз дафъатан, бехос  
Янгради-ю,  
Сўнгра серқутқу  
Акс-садога айланиб рўй-рост,  
Йироқларга қанот қоқди у.

Лекин бовар қиларди ким ҳам  
Шаҳар қайнаб турган бир онда?  
Каптарлар ҳам тўп бўлиб беғам  
«Ғув-ғув»лашар эди майдонда.

Висол кутар ошиқлар бу чоғ,  
Ҳовли тўлиб кетар болалар.  
Эпкинларга кўксин тутар тоғ,  
Чаппор урар унда лолалар.

Абай турар —  
Тепалик узра  
Қўшиқ каби мағрур,  
Сарафроз.  
Буюк аждод бўлгандан кўра,  
Эҳ, эл билан яшаш  
Қандай соз!

Ҳайкал бўлиб,  
Тош бўлиб қотмоқ —  
Мангуликдан эрса ҳамки тахт,  
Чин бахт эмас,  
Бир хандон отмоқ  
Ё оҳ тортмоқ —  
Мана асил бахт!

О, устозим,  
Барҳаётсан сен,  
Сен тошда ҳам —  
Пуравж, тирик қад.  
Бунда нени айтган бўлсам мен,  
Юракдаги гаплардир фақат.

Ҳолимиз-ку, «у дунёда» танг —  
Жонсиз вужуд — кулдай кераксиз.  
«У дунёнинг»,  
Ростини айтсанг,  
Литфонди ҳам бўлмагай, шаксиз.

На гўзаллар, на май бор унда.  
На шифобахш чўлнинг ҳавоси.

Шоирга соз ато этгай, ҳа,  
Фақатгина ҳаёт сафоси.

«У дунё»га ташриф этсам гар,  
Кезмасман мен илинж ахтариб.  
Томуғдан шахт жой олмоқ афзал,  
Беҳишт сўраб,  
Юргунча гариб...

Шу боис мен қўшиқларимни  
Улашгумдир ҳаётдирман то.  
Қизганмасдан,  
Дилда борини  
Юракларга этгим келар жо.

Мағрурлигинг тарк этма, устоз,  
Замонларга зиё тарат, балқ.  
Эзгу номинг тавоф айлаб боз,  
Ҳузурингга оқавергай халқ.

Юксакдасан.  
Баландлик — баланд.  
Ундан уфқлар кўрингай аён.  
Шоир ўткир нигоҳи билан  
Назар солса, бўлмагай поён.

Ўтинаман, устоз, ушбу гал,  
Айтгин,  
Ростми хатаринг саси?  
Назар солчи; ўзи нима гап,  
Қайдан келар бу сел ваҳмаси?..

### 3

Таранг ёйдан учган ўқ мисол,  
Ғизиллаган тошдайн ёхуд  
Етиб келди «сел» сўзи алҳол  
Ҳукуматнинг Биносига зуд.

Янгради у, кимдир зарб билан  
Сермагандек қамчини бежо,  
Етиб келди бу сўз дафъатан  
Товушдан ҳам илдамроқ ҳатто.

Етиб келди қоққунча киприк,  
Етиб келди хаёлдан шитоб.  
Юракларга ларза ташлаб илк,  
Идрокларни забт этди шу тоб.

Етиб келди— муқаррар офат,  
Кулфатларнинг ҳидин уфуриб.  
«Сел! Сел!..» деди дилгир, бетоқат  
Масъул ходим ўрнидан туриб.

Беҳуд айлаб бу машъум хабар,  
Таҳликага туширди аён  
Ва бир лаҳза ўтмиш лавҳалар  
Кўз олдида бўлди намоён.

...Шаҳар қолган эди эгасиз,  
Афт-ангорин бўлмасди таниб  
Ва қийралган боғлар меваси  
Ётар эди лойга беланиб.

Ариқлару кўчалар бир ҳол —  
Ухшар эди чигал арқонга.  
Иморатлар нураб бемажол,  
Айланганди гишти талқонга.

Неки эди сўлим ва сара,  
Касб этганди абгор манзара.  
Солга ўхшаб сузиб юрарди  
Ағдарилган тўсин, панжара.

Ашқол-дашқол оқиб тўлқинда,  
Ялтирарди жазира кунда.



Сувга бўккан мурдалар кўзга  
Ташланарди унда ва бунда.

Бўтанага қийшайиб ботган —  
Ҳов дарахтга чирмашиб ётган  
Қиз сочими?  
Ё ток новдаси —  
Ужар сувлар қўпориб отган?

Урдаклару ғозлар, товуқлар  
Тўлқинларда ётарди чалқиб.  
Турфа гиёҳ, анвойи гуллар  
Кўринарди кўпикдай қалқиб.

Омон қолган ёғоч уй...  
Даҳлиз...  
Ухларди бир болакай ғофил.  
Кўз уқалаб,  
Уйғонса бир кез,  
Теграсида айқирарди сел.

Бу кун  
Мана ўша болакай  
Гувоҳидир бу офатнинг ҳам:  
«Эҳ, қанийди  
Асов тулпордай  
Сел шиддатин қайирса ўктам!..»

Тонг отаркан зилол, мунаввар  
Эслади у шум қисматни бот:  
Кўз олдига — саф-саф тобутлар,  
Қулоғига келди оҳ-фарёд.

Ёв ёқадан олаётган пайт  
Тортган каби почадан кўппак,  
Эл бошига бу сўқир офат  
Кўп талофат етказди бешак.

Пайхон бўлди лаҳзада шаҳар,  
Ариқларга тўлди қум-тупроқ.  
Писиб ётган очлик бу маҳал  
Тагин ҳуқуқ қозонди кўпроқ.

Лекин қодир большевик насли  
Истиқболни кўзлаб ҳар нафас,  
Эта олди офатни таслим,  
Евуз кучга кела олди бас.

Учмасин-чун хотирдан сира  
Бу кулфатга берганимиз дош,  
Ёдгорликдай  
Кенг кўча узра  
Ётар эди уйдаин чўнг тош.

Турмуш коми этганда ҳам фарқ,  
Сақларди у мудом  
Мағрур тус.  
Лекин буни унутиб, бефарқ  
Элтишибди қайгадир, афсус.

Зотан у тош  
Оқин Тоир<sup>1</sup>нинг  
Достонидай кечмишни бўйлаб,  
Юрт қисмати,  
Шонидан вазмин  
Одамларга турарди сўйлаб.

О, сен  
Очлик, селга мардона  
Кўкрак тутдинг, юртдошим,  
мағрур.

---

<sup>1</sup> Тоир Жароков (1908—1965) таниқли қozoқ совет шоири, «Сел» ва «Селнинг жиловланиши» достонларининг муаллифи.

Кошки алқов шеърим баҳона  
Юрагингга бахш этолсам нур.

...Трубкани тутганча бу дам,  
Олис тоққа боз ташлаб назар,  
Кўпни кўрган ва закий Раҳбар  
Сўйлашарди Москва билан.

— Сел!— деди у ташвишманд  
пича,—

Хавфи унинг бормоқда ўсиб.  
Тош лавалар йўлин ҳозирча  
Чўнг Медео турибди тўсиб.

Тўғон эса...  
Ишониб бугун  
Бирор нима демоқлик гумон.  
Чунки аввал —  
Эллик йил бурун  
Утган селдан зўрдир бу чандон.

Баайни Сиз айтгандек, ҳа, ҳа:  
Бор куч  
Маблағ селнинг йўлига...  
Ёрдам қўлин чўзса Москва  
Руҳланмайлик биз бундан нега!

Техникаю одамлар кун-тун  
Шай турибди,  
Енголмас офат.  
Хабар бериб турамиз ҳар кун,  
Ҳар кун эмас!  
Майли, ҳар соат!

...Синашта уфқ сел хавфини чинга йўяр,  
Гўё кентни ўз комига олиб қўяр.

Катта Бино деразасин ланг очганча  
Раҳбар олис тоққа разм солиб қўяр.

Ҳов қоялар нени хаёл қилаётир?..  
Билишмайди — гўё нелар бўлаётир.  
Кўкда офтоб нурын сочар мўл, хотиржам,  
Шаҳар эса осойишта, бежавотир.

Ғам кўрмагин,  
Олмаотам — масканимиз,  
Доим шундоқ нузли бўлсин осмонимиз.  
Юрт тинчини бузмоқликка ҳаққимиз йўқ,  
Ахир, унинг ҳаловатин посбонимиз.

Узилмасин  
Одамларнинг шўх кулгуси,  
Бузилмасин  
Бемаҳалда қиз уйқуси.  
Бир Медео билсин ваҳм хуружини,  
Қоя ошиб ўтолмасин сел қутқуси.

Раҳбар турар деразанинг қошида жим  
Ва ўйлайди:  
«Наҳот тўғон бермас тўзим?  
Ғар Медео этолмаса офатни даф,  
Жавобгари бўлай элнинг менинг ўзим!..»

У билади:  
Ножоиздир саросима,  
Қурч халқи бор кўзларининг қорасида.  
Бекор низо туғилмаган бу асрда,  
Ахир, худо ва инсонлар орасида.

У солдатдир бу сония,  
Ҳасур солдат.  
Бурчи оғир, аммо унда мўлдир тоқат.

Аён унга мушкул йўлнинг паст-баланди,  
У олдинда бормоқлиги зарур фақат.

Шеърим!

Сиртдан таъна этма бировга ҳеч,  
Бўлар-бўлмас алқовдан-да, мадҳдан-да кеч.  
Кўз қири-ла баҳо бермоқ доим осон,  
Сен қалбларнинг ичига кир,  
Жумбоғин еч.

Тоғу тошни емиргандек ёгин-сочин,  
Майда ҳислар забтга олар пинҳон, ботин.  
Мен биламан —  
Мушкул дамлар  
Имониға,  
Эътиқодга кўплар содиқ қололмас чин.

Мард одамни идроку бурч, ақлу ғайрат  
Мудом олий сарҳадларга ундар фақат.  
Аммо қайси ялангликда ўпқон, ўнгир  
Олдиндаги  
Шерюракка қилмас ҳасад?!

Одамлар бор —  
Очиқ юзли, дили кинсиз,  
Одамлар бор —  
Истарасиз, юраги муз.  
Ҳар кимни ўз баҳоси-ла баҳолаймиз,  
Тош эмасмиз,  
Ахир, бизлар одамлармиз.  
Баъзи одам кулгуда ҳам  
Ўзин тутар,  
Баъзи одам чекканда ҳам  
Ўзин тутар.  
Ич-ичини ёндирару айтар сўзи,  
Аммоки у баҳслашган дам  
Ўзин тутар.

Менинг неки дилимда бор — ошкор  
доим,  
Одамлардан нимами ҳам яширайин.  
Жиним суймас кимсаларни кўриб  
қолсам,  
Еб қўйгудек боқадирман бўридайин.

Қалтис гапга узр сўрмоқ жоиздир, ҳа,  
Зотан суриб юрганингдан гал-галига,—  
Менингча, бу соғлиққа ҳам  
фойдалидир,—  
Гаплашганинг эркакчаси, дангалига.

Сайр қилмоқ — юрак учун даво, дерлар,  
Дилдан кулмоқ баридан ҳам аъло  
дерлар.  
Ёмон бўлмас — нафратингни тўкиб  
солсанг,  
Гарчи буни хулқ-одобдан авло дерлар.

Меҳру вафо, нифоқ-низо — азал расм,  
Инкор этиб бўлмас холис кўнгил сасин.  
Разм солиб,  
Фариштага йўйиш мумкин,  
Юз одамдан, кам деганда, саксонтасин.

Беътибор — четда қолиб кетса, бешак,  
Изтиробга йўғрилгандир ҳар бир юрак.  
«Сен — ўзимсан» деб тан олса халқи  
кимни,  
Бундан ортиқ мартаба йўқ — олий,  
юксак.

О, ўқувчим!  
Сенга айтар ўтинчим бир;  
Таъбиримда саҳв кетсам айла узр.

Аmmo кимни юрт «Инсон!» деб тилга  
олса,  
Унинг учун ушбу баҳо энг улугдир.

Ҳар тирик жон ноил эрур бир меҳрга.  
Қуш учмасин қаёқларга, қўнар ерга.  
Ҳар юракнинг орзуси бу, армони бу —  
Асил фарзанд бўла олмоқ туққан элга.

Бу баридан мўътабар ва аъло туйғу,  
Шу туйғу деб, майли, дилга чўксин  
қайғу.  
Булбул— булбул эмас, боғни этмаса  
лол,  
Раҳбар бўлмоқ— эл ишончин қозонмоқ  
бу.

Бургут тулки қувмаган ҳеч ерда елиб,  
Този парвоз қилолмаган бургут бўлиб.  
Раҳбарлик бу—  
Барча ишга масъулликдир,  
Ҳар мушкулга чора топмоқ эвин билиб.

У масъулдир  
Офтобга ҳам, бўронга ҳам,  
У масъулдир  
Қашқирга ҳам, қўтонга ҳам,  
У нафақат марҳумларга, тирикларга —  
Балки масъул янги насли замонга ҳам.

У раҳбар ҳам масъулларнинг бири  
эрур,  
Юрт ташвиши доим дилин тўри эрур.  
Бу аснода ўрин йўқдир ортиқ сўзга,  
Сув балоси офатларнинг зўри эрур.

Кечирарми бизни Эсиккўл — сўлим  
жой?  
Хотирада андуҳ чекар маҳв чирой.  
Учмагайдир ёдимиздан — қалб тубидан  
Кўзни олиб ял-ял ёнган мавж,  
қойнаҳой.

Эски сатҳи товланарди ҳарир, майин,  
Тиниқликда эди тонги шабнамдайин.  
Ўхшарди у узукдаги биллур кўзга,  
Лол айларди теранлиги боққан сайин.

Дўмбирадай ажиб, майин куй тарарди,  
Куй билан эш нур ўйнарди қояларда.  
Кўзгу эди арчаларга,  
Улар худди  
Терс ўсгандек — сув тубида  
аксланарди.

Осмон унда чўкмиш эди сақлаб сукут,  
Соҳиллардан аримасди ҳаловат, қут.  
Сув тубида аксланган арчаларнинг  
Рўмолига ўхшар эди паға булут.

Тонг отарди ҳовуч-ҳовуч шуъла сочиб,  
Қайиқларда сайр этарди турфа ошиқ.  
Ешларгаю қариларга —  
Ҳамма учун  
Эсиккўлнинг бағри доим эди очиқ.

Сузар эди бунда сулув оққувлар, эҳ,  
Эртакдаги каби гўзал — ўй сургандек.  
Лов-лов қуёш қўярдию, уфққа бош,  
Ҳарорати харсангларда қоларди лек.



...Раҳбар эслар — дили ғамга тўлганини,  
 Кўз олдида бир гўзаллик ўлганини.  
 Унутиб ҳам бўлармиди — ўн йил аввал  
 Охирги бор шу масканда бўлганини.

Кўл бўйига  
 Сал хаяллаб борганда лек,  
 Кўролмасди сел ҳайбатин  
 У тикма-тик  
 Ва соҳилда  
 Бир сония тургандами,  
 Ким билади,  
 Қолмасмиди балки тирик?..

Бу кун кимса қадам қўймас кўл қошига,  
 Надомат жо қақраб ётган ҳар тошига.  
 Боқадиди у чор тарафга басир кўздай —  
 На нури бор, на жилваси, кўз ёши на.

Тонгларини сел офати этмиш қора,  
 Барқ урсайди барбод ҳусни унинг зора.  
 Файз эди, фахр эди бизлар учун,  
 Афсус йитиб бормоқдадир бора-бора.

Гарчи ёддан ўчган эди бадкор у кун,  
 Бамисоли димоғдаги аччиқ тутун,—  
 Бугун яна сел даҳшати ёзди қанот,  
 Даф этмоққа чоғланганди шаҳар бутун.

#### 4

Айқириб бебош тошқин,  
 Ҳайқириб бебош тошқин,  
 Ямлар неки йўлида

Думалатиб тош тошқин.  
Гўё минг-минг аждаҳога ўхшар у,  
На сустлайди, на бир лаҳза тек тўхтар у.  
Жарликка-да, қирликка-да тик борар,  
Кўкка сапчиб, офат сочиб, ёл тарар.  
Бор нарсани қирарди,  
Гоҳ тигдай ялтирарди.  
Қоялардан учар у,  
Кўчкидайин кўчар у.

Тийиқсувга юксакдан  
Ағдарилар юз тубан.  
Зириллар яқин-йироқ,—  
Тутиб ваҳму қалдироқ.

Ёвуз тўлқин тошларни  
Ўйнаб борар тўпсимон,  
Уйдаи-уйдай тош зарби  
Даҳшат ёяр ҳар томон.

Гоҳ харсанглар зўлдирдай  
Енгил ўйнаб келади.  
Сув балоси ўр-қирдан  
Қирон солиб елади.

Кичик Олмаотага  
Кириб келар  
Пишқириб.  
Кичик Олмаотага  
Ларза солар  
Тўш уриб.

Офатларга хумордай  
Тўлғанади у сўқир.  
Ҳеч нарсани аямай,  
Қилиб келар тап-тақир.

Уйиб борар ер бағрин —  
Тик қоғозни кесгандай.  
Авжланади олмай тин —  
Қаттол довул эсгандай.

Ёрилгандек атқм нақ  
Гоҳ кўкка ўрлар тўзон.  
Қўнғир ёл тараб бу чоқ  
Елади асов тўфон.

Не хос эди чиройга —  
Баҳр олгай кўзлар боқиб,  
Энди беланиб лойга,  
Борарди хасдай оқиб.

Кезарди уюр бунда  
Янгротиб ер-осмонни.  
Минг йилқи адри энди  
Эслатар жанг майдонни.

---

Кучин этиб намойиш,  
Суриб бетон, тошини —  
Кичик тўғонни букмиш,  
Таҳқирлаб бардошини.

Ямларди у ҳаммасин  
Комига олиб бехос  
«Горельник» турбазасин  
Четлаб ўтганди, холос.

Нақ гугуртнинг чўпидай  
Улоқарди тўсинлар.  
Узилар эди ипдай  
Пўлоти,  
Чайир симлар.

Дарё бўйлаб бу маҳал  
Билмайин ҳадик недир —  
Уч йигит интиқ, маҳтал  
Чорлашарди кимнидир.

Гоҳ бир жойга тўпланиб,  
Тарқалишар эди тез.  
Тилларида қиз номи,  
Қўлларида эдельвейс...

Ташламай тоғ гулларин,  
Чор тарафга чопишиб  
Ахтаришарди бетин,  
Изиллаб, юрак тилиб.

Сел эса комга тортиб,  
Жўшар  
Олам бузгудек.  
— Қайдасиз, ойижон! — деб  
Зорланади бир гўдак.

Аmmo сел солмас қулоқ  
Уларнинг оҳ-додига.  
Чопарди мисли қочоқ —  
Боқмай орқа-олдига.

Гоҳ йиртқичдай дўқ-довли,  
Ҳеч нарсани уқмас, ў!  
Уни ўзинг жиловла,  
Метин сарҳад — Медео!

Машиналар тўла ҳарбийлар —  
Тоғ йўлидан боради саф-саф.  
Мубҳам — қайга отланмиш улар,  
Билиш шартмас — бу қандайин  
гап.

Силжиб келар кўча тўла юк,  
«Волга»ларнинг тоқатлари тоқ.  
Бирор ишга тараддудми бу,  
Қайга шошар одамлар бу чоқ?

Йўқ!

Қизгин баҳс авжда бу лаҳза —  
Икки оқим юзма-юз, бу он:  
Бири тоғдан елиб келарса,  
Ошиқмоқда бири тоғ томон.

Икки оқим келиб юзма-юз,  
Аён бўлди уларнинг сири:  
Бири эрса сўқир, асрий муз,  
Ёлқин эди — пурёғду бири.

Бири мардлик тугса юракка.  
Бирин ўйи — қиёмат-қойим.  
Интилгандан кўра юксакка,  
Тубанламоқ осондир доим.

\* \* \*

Тоғлар бунда  
Яшилликка бурканмишдир.  
Медеонинг донгини ким билмас,  
ахир?!

Бу саҳндан учқур коньки садолари  
Ҳар йил дунё бўйлаб енгил тараладир.

Икки қоя оғушида у Медео,  
Икки қоя паноҳидир унинг гўё.  
Учинчи бир баҳодирдай турар тўғон,  
Ўша тўғон устида тонг отар гўё.

Мол қолгандир балки ақл ўшал дамда, —  
Нарвоз қилган ҳаяжондан ё баландга, —  
Азим тўғон зумда бунёд бўлган маҳал —  
Кичик Олмаота дарасида кўндалангга.

Шундан бери  
Ўтмади кўн вақт, ҳар қалай,  
Аммо гўё кечган каби аср талай  
Қоядайин турибди у чўнг, азалий,  
Бамисоли дарё бўғзин тиқинидай.

Хуруж қилиб келар гарчи даҳшатли ёв,  
Кор қилмагай Медеога таҳдиду дов.  
Нари борса ўн саккиз тош — пойтахтдан у,  
Жила олмас ўз постидан лаҳза, бирров.

Ишончини йўқотмасдан минбаъд зарра,  
Қурбим синаб кўрарман, деб у бир  
кара, —

Кўл ҳажмича келадиган чўнг котлован  
Бўлмоғи шарт эди селга сўнгги марра.

Дам бўғриқиб, дам ҳаприқиб — селни  
кутиб,

Унинг даҳшат-ваҳмасидан юрак ютиб,  
Ошиқарди метин тоннел сари дарё  
Ўз йўлидан тойиб, ўзга йўлни тутиб.

Зум ўтмайин унутиб ғам-азобини:

«Оҳ-ҳо!

Кўринг мавжларимнинг тезобини!..»

Дегандайин

Эркинликка чиққан дарё

Пойтахт сари тортарди йўл танобини.

Ялпи офат хуруж қилиб турган бу он  
Саржабҳада қизир эди кураш, туғён.

Тўғон бўйлаб кўринарди талай одам  
Зирҳ бетига чегаланган михларсимон.

Йўқ, уларни чалғиб бўлмас, енгиб бўлмас,  
Ҳар қандайин даҳшатга ҳам келурлар бас.  
Ҳа, ўзлари бунёд қилган иншоотни  
Сақламоққа шай турарлар ҳар бир нафас.

Зотан улар зикр этарлар кундузу тун  
«Наҳот бардош бермас?..» деган ўйни  
бутун.

Эрта тонгдан ҳозирдирлар улар бунда,  
Уйламангиз,  
Чиқишган деб сайил учун.

Баҳс бошланмиш,  
Ҳал этилгай ўша заҳот.  
Ким енгажак? Наҳотки сел енгар? Наҳот?  
Табиат-ла тафаккурнинг кураши бу,  
Қайси бири қай бирини айлар барбод?

Тулпор олға интилгандай бамисли ел,  
Гулдуради чанг-тўзонга кўмилиб ер,  
Қояларга бўғиқ товуш урди кўксин...  
— Сел кўринди!  
— Қаранглар, ҳой, кўринди сел!..

Тўлғонганча, йўғрилиб у зўр қаҳрга,  
Гоҳ важоҳат, гоҳо тўлиб турфа нурга —  
Дам айқириб, дам гувраниб келган оқим  
Урди ўзин аввал улкан, кенг қувурга.

Тўғон зирҳин ушатгудек қалдироқ-ла —  
Уймаланган харсанглардан тоғ титроқда.  
Фавворадан кўчган каби қайнаб-тошиб,  
Пишқирганча сув отилди чор атрофга.

Тийиқсувдан ошиб ўтган бу ўжар сув  
Дараларга бунча ларза солар, ёҳу!  
Гоҳ ўкириб наъра тортса арслон каби,  
Гоҳ жарларга урар ўзин мисли оҳу.

Қамалган сел бирор чора тополмайин  
Дамланарди,  
Зўриқарди лаҳза сайин.  
Гўё бу чоғ кўҳна, қадим Олатов ҳам  
Дарз кетгандай эди худди шишадайин.

Эҳ, тоннелга нима бўлди айни чоқда?  
Упқондайин эди-ку у — ютаноқдай.  
Энди эса ўтказолмас томчи сувни  
Бир қултум ҳам юта олмас қилтомоқдай.

Бемисл куч, беҳад қудрат — сел  
йигилиб  
Ва тўғонга маккорликни аъло билиб —  
Харсанг қалаб, соз тупроқ-ла сувамишди  
Тоннелнинг бор тирқишини тим-тирс  
қилиб.

Ва тоннелга бош суқолмай саркаш долға  
Каловланиб,  
Чополмайин қолди олға.  
Бир сония ҳаяллаган бўлди-да у,  
Сўнг чеккага сапчиб кетди беқўналға.

Тоннель оғзин чўнг пўртана ҳам кўзлади  
Ва тўғондан ошмоқликка йўл излади.  
Типирчилаб,  
Ташландию тўғон сари,  
Кўзи қонли буқадайин «мугузлади».

«Мугузлади» яна бир бор, йиқолмади,  
Ғижинди у, ингради у, ошолмади.



Музликлардан, даралардан тошиб келиб  
Ирғишлади, лекин бундан тошолмади.

Чўққиларни лов-лов ёқиб оқшом олди  
Пастликларга Қуёш ҳайрон нигоҳ солди.  
Дегандайин:  
«Ярқираган нима? Кўлми?  
Ундоқ эса қайдан пайдо бўла қолди?»

## 5

Пайқамади Медео кун ботганин ҳам,  
Пайқамади Медео тонг отганин ҳам.  
Уни ўйлаб талай одам жони ҳалак,  
Пайқамас у юраклар ях қотганин ҳам.

Ким бўлсанг-да, қалқон бўлгин,  
Наф айла сен,  
Сел зўраяр — шижоатинг сарф айла сен.  
Токи бизнинг ғайратимиз, техникамиз  
Офат йўлин тўса олсин, даф айласин.

Чўққи узра уйғонди тонг кўз ишқалаб,  
Лек унгача неларнидир тимирскилаб  
Прожектор пайпаслади дара-тоғни  
Узун дасти — шуълалари билан силаб.

Собит метин тўсинларга демай ҳаш-паш,  
Тўқинарди келиб турфа нарса яккаш:  
Қўпорилган дарахтлару харсанг бунда  
Уймаланиб борар эди айқаш-уйқаш.

Пўртаналар эса сапчиб, кўтариб дов,  
Тўғон кўксин этмоқ бўлар алғов-далғов.  
Тополсайди қандайдир дарз ёхуд тирқиш,  
Осонгина сурилсайди бу улкан ғор.

Сел ноилож жиловланиб тонгга қадар,  
Лекин ҳар бир нафасидан эсиб хатар,  
Бот-бот баланд тўсин сари ирғишларди,  
Сакраб кетар эди  
Қурби етса агар.

Ажиб бир кўл яратганди у шу кўйи,  
Акселанарди энди унда офтоб рўйи.  
Дара туби биқирларди булоқ бўлиб,  
Кўтарилиб қолганди сув туя бўйи.

Уч мард ғаввос  
Хавф-хатардан четга- жилмай,  
Шўнғирдилар бўтанани писанд қилмай.  
Сув остида қолишмасин улар ҳарчанд,  
Чиқардилар  
Қувур оғзин оча билмай.

Бу дам дарё ҳам офатга кириб оро,  
Оқизарди неки бўлса «бўрсиб» қора.  
Земснаряд, насослар иш бошласа-да,  
Кўтарилиб борар эди сув тобора.

Тўғон бўйи қадар келиб қолар алҳол,  
Ана-мана дегунингча ошар дарҳол.  
Шу аснода  
Лим-лим тўлиб борар эса,  
Бу телбани банди этиб турмоқ маҳол.

Оч тўлқинлар қашқирларнинг галасидай  
Шаҳар сари ташланмоққа ҳар лаҳза  
шай...

«Тўғон узра ўрнатмоқлик шарт  
тарновлар,  
Токи сойлар оқиб турсин аввалгидай!

Токи сувсиз қақшамасин гулу япроқ,  
Токи яшил шаҳримизга тушмасин доғ.  
Оби ҳаёт  
Узилмасин ариқлардан  
Баҳра олсин ундан гулзор, ҳар кўкат,  
боғ!»

Қабулланди мазкур қарор айни муддат  
Ва олимлар ҳукумат-ла аниқ муҳлат  
Белгилашди: селга қарши қатъий ҳужум  
Бошландию  
Қанот ёзди ушбу журъат.

Аммо бунда авж олганди ғовур-ғувур:  
— Қанақаси бўлди бу гап?  
— Сел нимадир?  
Балки бунча хавфга ҳожат қолмас эди  
Қурилганда дастлаб яна битта қувур.

Ким айбдор бу ҳолга, хўш? Қурувчими?  
Муҳандисми? Ёхуд саркаш сел кучими?  
Эҳтимол саҳв этгансан сен, ўртоқ,  
Раҳбар.  
Ўз вақтида эътиборга олмай буни?

Лек кулфатни эшитибоқ жабҳа томон  
Сенинг билан отланди юрт-эл бегумон.  
Дирижёрга ўхшаб кетар туришидан  
Ёнгинагда турган анов чапдаст ўғлон.

Ҳов бошқаси: банддир муҳим юмуш аро,  
Зотан ишни у жонидан кўрар аъло.  
Бу дам у завқ, ҳордиқ нима — унутганки,  
Гўё улар бир умрга ундан аъло.

Ҳов анови учинчиси: гапдон, дилкаш,  
Чехрасидан ёғилади бир нур яккаш.

Туни бўйи ухламаса ҳамки ёлчиб,  
Қадамлари тетик, бардам, эмас дилғаш.

Оёғида ўтказса ҳам тунни дилхун —  
Эмас, ишга шўнғиб кетмиш, қаранг  
бугун.

Юзлари ол —  
Нимадандир иззадайн  
Ёки майдан отиб олган каби қултум.

О, дўстларим!  
Ушбу ҳикмат сизга ойдин:  
Эл бўлмаса ер қудратли бўлсин қайдин?  
Фойда кўзлаб  
Ёки довруғ учун эмас —  
Мушкул ишга сиз сафарбар доим олдин.

Кўрадилар — юрт иқболи кулса —  
сиздан,  
Сўрайдилар — бирор кор-қол бўлса —  
сиздан.  
Хуллас, сизнинг ишингизнинг нақд  
баҳоси  
Бош бармоқда ё синчалоқнинг шарҳида  
жам.

Ўзимнинг-да баҳом турфа бўлур зотан,  
Қошингизда буни очиқ олгайман тан.  
Балки мен ҳам ҳали-ҳануз ишқибозман —  
Олмоқликка,  
Ўзгаларга бермоқликдан.

Кўкрак уриб мақтангувчи кўп бўлади,  
Қандай қилиб уларни мард деб бўлади?  
Яхшилар-ла яшаб келар мунофиқ ҳам,  
Гуруч билан курмак ҳам сув ичган каби.

Элнинг имон, эътиқоди бутундир лек,  
Қалбларимиз шижоати билмагай чек.  
Гар ҳозироқ сафарбарлик бўлса эълон,  
Сафлангаймиз туг остига бир кишидек.

Мутахассис олимлар-ла —  
Раҳбар бу дам.  
Ташрифимас бу унинг илк, сўнггиси ҳам.  
Бу жойларнинг ҳар бир тоши, ҳар  
сўқмоғи  
Таниш эрур унга кўндан, илгаридан.

Баъзилар бор —  
Бўлар-бўлмас тўлиб хунга,  
Ходимларин дилин хуфтон қилар кунда.  
Ундан эса бир эзгу нур ёғиб турар,  
Босиқлик ва нуктадонлик жодир унда.

«Мартабали» демас ҳеч ким сиртдан  
боқиб,  
Кибр билан юракларни этмас таъқиб.  
Инженеру ишчилар-ла юрар бирга,  
Ҳар маслаҳат, ҳар таклифга қулоқ  
қоқиб.  
Ҳақ ҳақлигин топар доим баҳслашишда,  
Зотан мисли мўъжизавий,

Улкан ишда —  
Дара узра тўшалганди чўнг қоялар  
Бундан етти йил муқаддам портлатишда.

Бу ниятнинг режаси ҳам неча бора  
Рад этилиб,  
Топмаганди кўмак, чора.  
Буни фарзанд тўлғоғига менгзаш  
мумкин,  
Тугилгач ҳам меҳри ётар кўп овора.

Айюҳаннос солганлар-ку, бўлмади кам:  
«Оқибатин ўйлаб чиққан ким чинакам?  
Портлаш зарби этиб ерни остин-устин,  
Ажаб эмас, шикаст берса шаҳарга ҳам.

Чўнг ларзага тушганида ногаҳон ер,  
Ҳатто эсиб турган майин шабада, ел  
Туртки бериб йироқ-йироқ кўчкиларга,  
Туғдириши мумкин бехос даҳшатли сел.

Ким кафилдир портлашнинг ҳад-  
салмоғига?

Ким комилдир унинг тинчиб қолмоғига?  
Балки сабаб бўлса-чи бу шаҳар устин —  
Фавқулод газ чиқиб қоплаб олмоғига?..»

Ҳар қандайин гулхан ўздан учқун сочар,  
Зулмат доим учқунлардан четга қочар.  
Фикр асил бўлса чўғи сўнмагай ҳеч,  
Шамоллардан унга фақат ўт туташар.

Баъзилар бор — журъати зўр, дили  
шоён,

Ҳеч бир тўсиқ маҳв этолмас руҳин, аён;  
Баъзилар бор — кўрар фақат оёқ остин,  
Улар учун мансаб, амал — манзил, поён.

Маълум зотан —  
Дангал сўзлик, ботирлик, ҳа,  
Курашларда бўлолмагай таянч якка.  
Фақат шубҳа чиниқтирган қатъият-ла  
Етмоқ мумкин олий орзу, чўнг тилакка.

Еари қуш ҳам бургут бўлиб учавермас,  
Шоир зотин кунда илҳом қучавермас.  
Ҳар қанақа портлаш этмас кунпаякун,  
Шамол турган билан бўрон кўчавермас.

Гирдоб ўйлар  
Ойдинлашиб тинсин учун  
Онган сизиб ўтмоғи шарт сергалва кун.  
Ақл-тадбир васвасага ёт бўлгандек,  
Чин идрок ҳам  
Сафсатага ётдир бутун!

Дангаллигу  
Қизгин баҳслар ва таъналар...  
Шу аснода ирода ҳам хўб синалар.  
Муҳандислар  
Ўз ишига бир умрмас,  
Икки умр масъул,  
Бурчли шахс саналар.

Академик анов — ўктам ва жангари,  
Интилади фанда мудом чўққи сари.  
Сочларининг оқлигин нақ қиров дейсиз.  
Асрий қоя бужуридай ажинлари.

Қалби очиқ эрур унинг — сахий, танти,  
Тоғ қўпориш ғоясин илк ёқлаганди.  
Сел хавфини эшитган-у,  
Сибирь ёқдан  
Бу ёққа тез отланмаса бўлмаганди.

Пойдор эди унинг умрин ҳар лаҳзаси,  
Ҳал бўларди қўли теккан иш барчаси.  
Қўмондонни эслатса у гап-сўзидан,  
Қад-қомати эди унинг аскарчаси.

Эниб пастга, кўтарилиб гоҳ юқори  
Бирга юрар эди унинг дўст-ҳамкори —  
Қотма, офтоб қорайтирган бир инженер,  
Зеро у ҳам бу тўғоннинг ижодкори.

Сел хабари уни-да бу ерга элтган,  
Қора кўзли, соч-соқоли ўсиб кетган.  
Афт-ангорга қарамоққа вақти қайда,  
Аён — уни ташвиш обдан беҳол этган.

Қачонлардир кечган қизгин баҳс чогида  
Курашганди мазкур режа рўёбига.  
Бир лаҳзада тоғ бағрини этиб ларзон,  
Бу тўғонни бунёд этган иккови, ҳа!

Не калтабин муҳолифлар енгиб раъйин.  
Баҳсда голиб чиқмаганда улар тайин  
Ва сел йўлин тўсмаганда  
Ушбу тўғон,  
Ҳолимиз не кечар эди — айтмоқ қийин.

Мабодо гар...  
Келтиргандек тасаввурга  
Раҳбар ўзин хаёлидан сесканди ва  
Нигоҳ солди йироқларга — пойтахт сари  
Ва жонланди кўз ўнгида шу манзара:

Арқон билан судрагандек  
Пишқириб сел  
Тақир қилар шаҳар ичин, қийралар эл.  
Кўркам, машҳур муз майдонни йиқар  
тўфон,  
Шитобликда бас келолмас ҳаттоки ел.

Сўлим чорбоғ, гулзорларни этиб увол,  
Юксак бино, кўчаларни қилиб поймол —  
Неки бўлса эзиб-янчиб борарди сел,  
Ўтган жойи ҳувилларди — топиб завол.

Чўрт узилиб кетар ногоҳ қасри чирой —  
Улкан қалпоқ каби сузиб юрар сарой.



Кўринади тунж офтобда ястанганча  
Энди шаҳар эмас,  
Балки хароба жой.

Гарчи тўфон ҳалокати озмунчамас,  
Лекин сўқир қаҳрини у қилмайди бас.  
Гавжум уйлар тоб беролмас бир ҳамлага,  
Юрак қонга тўлар бунга боққан нафас.

Ундан қайга қочиб бўлар, ахир, бу дам?  
Баъзиларга Олмаота болаликдан —  
Сўлим боғлар бўлиб қучоқ очган бўлса,  
Баъзиларга — неча йиллик меҳнат  
маскан...

Уйларини — бот ўчирган рангу қутин  
Хаёлидан ҳайдади у мисли тутун.  
Тасаввурнинг бир ўйини эди булар,  
Шаҳар эса қаршисида турар бутун.

Уйлади у:

«Қудратлидир халқим бисёр!  
Қучай десам бир йўла, эҳ, қучоғим тор.  
Сел йўлини тўсибдими удда қилиб,  
Ҳар офатга бас келолгай,  
Бахти пойдор!..»

Халқнинг қодир, ўктамлиги ўзида жо,  
Зотан ўзи азим тўғон этди барпо.  
Лекин тоғни қўпоришга чеккан имзонг,  
Ўртоқ Раҳбар, халқ ёдидан ўчмас асло.

Шахд этдинг сен  
Ишонч билан ҳар қадамда,  
Уйламадинг ўз қисматинг ҳадик-гамда.  
Раҳбарлигу муҳандислик фазилатин  
Бир ўзингда аён этдинг ўшал дамда.



...Ҳа, Раҳбарнинг диққатини ушбу дамда  
Ҳеч бир нарса бўлмаслиги  
Мутлоқ зарур.

Турар Медео  
Мустаҳкам, собит,  
Боққан офатга  
Тайёр, жангари.  
Турар Медео  
Ишчан ва голиб  
Мисли жанговар  
Штаб сингари.

Куйиб пишиб қўлдан бермай лаҳза —  
тобни,  
Писанд қилмай жазирама кун-офтобни,  
Белигача ечинишган чайир танлар  
Елкалашиб таширдилар қумли қопни.

Емғир кутиб,  
Кўкка босиб тек ўтирмоқ  
Кулгулидир ушбу дамда — ақлдан йироқ.  
Шунинг учун тарновларни ўрнатмоқлик  
Ҳаммасидан ҳам ғанимат ва зарурроқ.

Қирғоқ бўйин кўк ёлқинлар тутиб кетиб,  
Ачиқимтил дуд димиқтирар беҳуд этиб.  
Дубулғасин кийиб олган баҳодирдай  
Пайвандчилар юрар учқун-олов кечиб.

Қийналарди ютмоқликка одам ҳаво  
Қолган каби гўё қизгин зўр жанг аро.  
Қонунларинг, о, нақадар қатъий ҳаёт,  
Бунда қўшиқ янграр,  
Янграр кулгу ҳатто!

«Се-ел!..»

Таралди тагин зорли бўғиқ бир сас,  
Ҳамалак ҳам қалқиб кетди ушбу нафас.  
Пўртананинг шиддатидан титраб тўғон,  
Лекин унинг шахтин букди — мисли қа-  
фас.

## 6

Ўгирилди календарнинг бети тагин,  
Оқар дарё каби дунё  
Оларми тин:  
Рангин ҳаёт бағрин очди чақалоққа,  
«Бахт уйи»га қадам қўйди куёв-келин.

Ўгирилди календарнинг бети такрор:  
Сочларида кимдир оқлик  
Кўрди илк бор.  
Қарилликка кимдир изн берди бу дам,  
Этса ҳамки олис ёшлик қалбин бедор.

Ўгирилди календарнинг бети.  
Кимдир  
Янги тонгдан ахтаради мўъжиза, сир.  
Кимдир гирён бўлди бошга тушган ғам-  
дан,  
Бошқа биров дили ҳамон хуфтон, дилгир.

Ўшал қирғоқ узра балки учов ўғлон  
Ёрларини топа олмай зордир ҳамон.  
Балки бунда ҳар тонг кўзёш ҳам тўкурлар,  
Вужудларин ўртаб нола, аччиқ армон.

Уч қиз исми таралганда дара, тоққа,  
Бўғиқ ҳаво кўмиларди  
Мунг, титроққа.

Энди қайдан таскин топсин улар,  
Эвоҳ,  
Махшаргача кўникмаслар бу фироққа.

Қўлларида ўша кунги анвойи гул,  
Лекин улар сўлиб битган эди буткул...  
Қанг энди у кулгулар —  
Кумуш жаранг?  
Қани энди тўлқин сочлар —  
Бўйи сунбул?

Юпанарми дил  
Елларга сўйланса дард?  
Ё қўшиқ-ла фориг бўлур ундаги гард?  
Арчазорни оралашар улар тонгдан —  
Топгаймиз деб  
Бекинмачоқ ўйнашса гар.

Ахтаришар улар гирён, астойдил,  
Чор тарафга югуришиб бамисли ел.  
Лекин парво қилмай сира айқирарди  
Бўтана сув қирғоқларга тўлиб мил-мил.

Бизни нима қаритгайдир эрта, барвақт?..  
Қай ҳад ғамга меъёр бўла олур ҳар вақт?  
Эшитдимки  
Онасини сел оқизган  
Бола сочи оқарганмиш бир зумда нақ.

Битган каби  
Тоғларга-да ҳиссу шуур,  
Ёз тафтига кўксин очиб турар мағрур.  
Фарёдлардан ўзни олиб қочган каби  
Жарликларга йитмиш эди  
Еллар бир қур.

Тийиқсув-ку, телба кучга тўлар экан,  
Табиатнинг ижодига бергунгдир тан:  
Қирғоғида тумшуқ чўзган муз қоялар  
Туяларга ўхшар эди нақ дафъатан.

Тармоқланган сонсиз ирмоқ — сувлар эса  
Кумушланиб кўз оларди лаҳза-лаҳза.  
Мингйилқининг этагидан боқар бўлсанг,  
Кўринарди ўхшаши йўқ ажиб лавҳа.

Кўкка боққан пасту баланд чўнг чўққилар  
Мовийликка маҳлиёдек қотиб турар.  
Бир илоҳий манзара бу,  
Лекин, афсус,  
Пастликда сув телбаланар,  
Тугён урар.

Зотан асрий ҳолат эди, бу собит ҳол:  
Шуълаларин тўкса ҳамки кун бемалол,  
Музликлардан онда-сонда томган томчи  
Мингйилқига етолмасди ҳеч —  
Бемажол.

Энди асов сувлар оқиб ўтса қайдан,  
Қолдирарди ўчмас изин —  
Қуму лойдан,  
Телба селнинг шиддатини, қудратини  
Чамаласа бўлар ўйдим-чуқур жойдан.

Бўйин бермай ногоҳ —  
Уру қир демайин,  
Суворийсин ташлаб қочган тулпордайн  
Ўзанига сиғмас Кичик-Олмаота  
Қайнаб-тошиб,  
Сел кучайиб борган сайин.

Котлованга харсанглардан итқитиб, денг,  
Қисматига чанг солганди Медеонинг.  
Эслайсизми?  
Эслайсизми —  
Қайта бора  
Пўртананинг цунамидай урилганин?

Эслайсизми —  
Ларзасидан титраб замин  
Тўғон узра  
Тўш уриб ёл тараганин?  
Лою хасдан,  
Харсанглардан юксалиб сув  
Ой нурида мудрай бошлаб эди вазмин.

Қошки мудраб қолса эди у бир йўла  
Аксинча,  
Хавф орттирарди тўла-тўла.  
Залворидан  
Ер қайишиб борар ҳатто.  
Ва бу залвор  
Тўғонни-да сурмоқ бўлар.

Тўғон эса ўз измида —  
Собит турар, мустаҳкам.  
Муқаррарми лекин офат?  
Содир бўлар қайси дам?  
Қирқ қаватли уйдаи юксак  
Тўғон, гарчанд савлатли,  
Унинг қалин қатламидан  
Сув сизарди дамба-дам.  
Тўғон бети қораймишди  
Қора терга тушгандай,  
Кўз ёшини шимдирар сел  
Йўл тополмай ҳеч қандай.  
Юксакларда — Тийиқсувдан  
Чопар янги жилғалар.

Селга мадад бўлмоқликка  
    Қанот боғлаб учгандай.  
Сел тўғонни итқитмоқчи  
    Ана-мана дегунча,  
Унда қолиб кетар шаҳар  
    Туман ичра, тун ичра.  
Хавф-хатарнинг томирини  
    Топмоқ қийин бу лаҳза  
Гавдаланар кўз ўнгимда  
    Ташвишларга банд чеҳра.

«Москвами? Лаббай!  
Ҳали  
Тушмади сел шахдидан!  
Хавф хуружини даф этгали  
Курашяпмиз ҳар бир дам.

Шу кечадан чиқиб олсак  
Бетасодиф, саломат,  
Зуд қурилган қўш каналдан  
Чекингайдир фалокат.

Димиққан сув  
Қулоч кериб  
Ташқарига отилгай.  
Тўғон ўзин  
Эркин сезиб,  
Захи, нами тортилгай.

Собитдирмиз  
Биз ҳар нафас,  
Уюшмоқ иш кўзидир.  
Бу хулосам раҳбар эмас,  
Муҳандиснинг сўзидир.



— Не ёрдам?—деб сўрар дўстлар  
Тошкент, Киев, Бокудан.

— Не ёрдам?—деб сўрар дўстлар  
Биз-чун чекиб қайғу-ғам.

Ўзимизда куч бор,  
Лекин  
Минг раҳмат дўст-қардошга.  
Узатгайдир доим қўлин  
Тушганида ғам бошга.

Бироқ бу сел хотирадан  
Ўчмас кўп вақт бегумон.  
Йўқ, етарли маблағ бу дам,  
Раҳмат, Москва, каттакон!

Нима дейсиз?  
Халқимизми?  
Халқимиз тинч, осойиш.  
Беғамликми ё мардликми —  
Янграр қўшиқ,  
Борар иш.

Ишончми бу?  
Афтидан шу!  
Эл аскардай мағрур қад:  
Бутун шаҳар — бўлса зарур,  
Отлангайдир ҳамжиҳат.

Бу кеч ҳар ким ўз фикрини  
Тўкиб солар ўртага.  
Ҳал қилувчи жанг яқуни,  
Сўнгги синов —  
Эртага.  
Бугун бошда ташвиш гарчанд,  
Эрта яна порлар нур.

Камаймагай бизнинг миллиард,  
Хайрли тун!  
Ташаккур!»

Ҳар қанчалар метин билма сен ўзингни,  
Эзиб ташлар безовталиқ вужудингни.  
Раҳбар дилин равшан этди,  
Берди қанот  
Телефонда кечган мазкур суҳбат — тунги.

Ҳар бир сўзнинг мағзин чақди у ўшал он:  
Демак,  
Офат хуруж этган долзарб замон  
Улуғвор,  
Чўнг мамлакатнинг ўй-ташвиши —  
Олмаотани кўрмоқ доим дориламон.

О, қозоғим,  
Наҳот сенга енгил бўлган —  
Сафар чиқмоқ якка-ёлғиз саҳро йўлдан?  
Назар сол бир Еттисувга — еттитами?  
Бағри унинг сонсиз ирмоқ билан тўлган.

Кўки ҳам бор, Сариги бор, Оқи ҳам бор —  
Ошени тоғ, озиғи муз, мавжида қор.  
Тезоби бор, сокини бор, тентаги ҳам,  
Лекин бари бирдек шовқин солар баҳор.

«Чўлоқ сойнинг суви асов» дейилгандай,  
Даштлик бера олмас эди тошқинга «ҳай».  
Дарё ўзи кўмиларди энг аввало,  
Одамлару мол-ҳол,  
Овул — сўнг пайдар-пай...

Ёлғиз рўзғор араваси сувда қолиб,  
Бир камбағал зорлар айюҳаннос солиб.

Кимса йўқки — кўмак учун етиб келса,  
Изиллар у ёзмишидан бўзлаб, нолиб.

Якка жилга сой бўлганми?

Сўнган бутун!

Ёлғизлардан хонлар осон ундирган хун.  
Ёлғиз элдан ёвуз йиртқич тап тортмаган,  
Ёлғиз учун қонун бўлган  
Сохта қонун.

Кимларнидир қум, жазира хазон этмиш,  
Кимларнидир дарё коми олиб кетмиш.  
Еттисув ҳам «беҳишт маскан» бўлгунича  
Не-не дўзах манзилларни босиб ўтмиш.

Бедор хона.

Ташқарига ёғду оқар,

Дарпардалар елда ўйнаб қанот қоқар.

Ланг очилган деразанинг қаршисида

Турган Раҳбар тун қўйнига теран боқар.

Олмаота туни...

Дилни мафтун этар.

Гўзалларнинг оғушига ўхшаб кетар.

Новдаларин кокилдайин ёйган толлар

Тонгга яқин мудраб қолар —

Фараҳ элтар.

Сеҳрланган

Ёхуд сармаст этгандай туш

Карахт боқар гулу гулзор

Жим, фаромуш.

Тиним билмас ариқчалар бедор фақат,

Чулдирашар бамисоли сайроқи қуш.

Ҳадемайин тонгни қарши олар тоғлар

Ва хуш исга тўлиб кетар сўлу тоғлар.

Тонг рўмолин тортганида насими субҳ,  
Бир тароват топар дил бу сўлим чоғлар.

Мудраб бу пайт йўллар узра чангу ғубор,  
Кўтарилмас ҳаволарга бот-бот, такрор.  
Киприк қоқмай тонгни кутиб оладилар  
Кўча бўйлаб саф чироқлар,  
Ёниб бедор.

Бахмал гирдин одатда зар жияк безар,  
Зероки тун — бахмал,  
Нурли кўчалар — зар.  
Узларини унутишиб,  
Ишқдан сармаст  
Ҳов нарида бир жуфт ошиқ масрур кезар.

Ёғдуларнинг теграсидан  
Кеч тун аро  
Парвоналар сийраклашиб қолмиш ҳатто.  
Раҳбар эса ҳамон бедор,  
Балки бу пайт  
Кўз остида битта ажин бўлар пайдо.

Шивирлайди у оҳиста:  
«Тонгга қадар  
Ширин уйқунг бузма,  
Ором ол, эй шаҳар,  
Тонгдан яна бошланади қизғин ҳаёт —  
Ишга шошгунг,  
Гул кўтаргунг,  
Қучгунг зафар!

О, одамлар,  
Тарк этмасин шукуҳ сизни,  
Сизлардадир давримизнинг ҳукми, изми.  
Қандай сўз-ла олқаш мумкин бу асрда —

Ўзингизни,  
Оламшумул ишингизни?!

Оддий тун бу,  
Йўқдир унда ўзга мазмун,  
Лекин сеҳри  
Келажакка этар мафтун.  
Тонг ёғдуси, булбул саси  
Билан уйғон,  
Боғлар, шаҳар!  
Ҳозирликча хайрли тун!

Аммо улкан қоялари мудраётган  
Тоғ қўйнида қизгин меҳнат борар бу  
дам!..»

Раҳбар эса  
Тагин ишга кетар шўнғиб,  
Телефонни ўз олдига суриб илдам.

Трубкани кўтарару  
Сўрар жиддий:  
— Яна қанча баландлашди тўғон усти?  
Қувурлар-чи,  
Қаергача етиб борди?  
Сувнинг сатҳи эса яна қанча ўсди?  
Барчангизга зўр ташаккур ундай эса!—  
Деди-ю, сўнг бедорлиги тушди эсга  
Ва мизғишга эндигина тутинган чоғ  
Жиринглади телефон,  
У олди тезда.

— Ёмғир денг-а!— сўрди такрор.—  
Баракалла!  
Томчига зор эди қўриқ ушбу палла.  
Медеоми?  
Унинг ҳақда эрта тонгдан  
Хабар учгай эфир бўйлаб хуш, баралла!

...Ҳар бир лаҳза кечса ҳамки тигиз, ил-  
дам,  
Мен бир ғойиб изи-ихтиёр сезиб дилдан,  
Ўзгаларнинг суҳбатига аралашдим,  
Навбат келди сўз очмоққа яна селдан!

7

О, ўқувчим, ўйлаганинг — ўйим, билсанг,  
Ўзинг якто дўстимдирсан, танграмдирсан.  
Воқифдирсан бор нарсадан, огоҳдирсан,  
Энди сени нима билан танг қолдирсам?

Кўҳна замин чарх уради билмайин тин,  
Тўхтатолмас йиллар унинг айланишин.  
Муҳрлай деб  
Ақалли бир сонияни,  
Юрт билар бу қиссани шеър айладим мен.

Шоир зотин улуғлаган, этган машҳур,  
Билсанг агар, мансаб эмас, имон эрур.  
Забт этмас у юракларни илм билан,  
Балки ҳассос қалби унинг элга манзур.

Оқиним деб атар бўлса мени элим,  
Бундай ортиқ мартабани бергайдир ким?  
Шеър дегани эрмак эмас менинг учун,  
Ҳар сатрга бахшидадир ўйим, дилим.

Ёзмайман мен шунчаки бир вақт ўтсин  
деб.

Ё дилларни енгил-елпи ром этсин деб.  
Кошки шеърим аср руҳин, умр шавқин  
Жо этолса,  
Бўлолса юрт мадҳига зеб.

Эътирозинг ўринлидир, ҳа, ўқувчим,  
(Ҳар дақиқа дилимдан ҳис этурман жим):

Ҳамма билар Медеонинг қурбин, дейсан,  
Тагин минг йил туришига аминмас ким?

Ҳамма билар сел тўғондан ошолмади,  
Саратоннинг тафтида ҳам тошолмади.  
Ҳамма билар — одамлару шаҳар омон  
Ва бу офат юрт шаънига доғ солмади.

Тўғон узра тўлқинларин сермаган сув,  
Кундуз ором,  
Тунда уйқу бермаган сув,  
Қўш тоннелдан ташқарига ўзин отди,  
Бамисоли озодликка чиққан оҳу.

Сувга боқиб — шаршарадек шовиллаган  
Қичқирдилар кўплар шодон, қувонгандан.  
Пайвандчилар иргитишди каскаларин —  
Бошларидан кеча-кундуз олинмаган.

Кўкка учар кепкалару малахайлар,  
Юрт — мисоли хурсанд, мамнун бола-  
кайлар.

Шаҳаргача етиб борди бу алқов сас —  
Шодон «ура» еллар аро қанот бойлаб.

Биров қувноқ, жилолмасди лек ўрнидан,  
Биров карахт — неча кунки олмаган дам.  
Ҳаволарни титратгудек чалар қарсак —  
Кун-тун рулдан ажралмаган қўллар бу  
дам.

Хуллас, руҳинг яшнатганда голиб юзлар,  
Қандоқ тасвир этгай буни оддий сўзлар?!  
О, ўқувчим,  
Бир сония назар солгин,  
Қай дилда нур ёқолмас бу чақмоқ кўз-  
лар?!

Бир-бирларин қутламоққа бот интилиб,  
Қучоқ очар эди ҳамма катта қилиб.  
Билиб бўлмас — таниш киму, нотаниш  
ким,  
Ёшроқ киму, мўйсафид ким — бўлмас  
билиб.

Бедорликда юргандан тун-кечаларда  
Терми, ёшми ялтирарди мижжаларда.  
Яширмасди ҳеч ким бу чоқ кўз ёшини,  
Зеро сурур,  
Дил хитоби — жо уларда.  
Авлодларга ибрат бўлсин дея ҳар чоқ  
Тердан шўрлаб кетган кўйлак, темир  
қалпоқ —  
Нусхаларин қўяр эдим мен музейга  
Ва олардим севинч ёшидан-да озроқ.

Жасорати лол айлаган зотлар барин  
Қояларга ўяр эдим суратларин.  
Тўғон бўйлаб ҳайкалларин ўрнатардим,  
Илк уларга бахш этарди тонглар зарин.

Ҳа, уларнинг кўпи эди фидойи жон  
Ва офатнинг забтига бас келишган он  
Ўйлашмади, қолармиз деб тарих аро,  
Ўйлашмади, бўлармиз деб чин қаҳрамон.

Даврон сурсин  
Ким меҳнат-ла доврўғ солса,  
Ким шодланмас  
Бахтин эрта топа қолса?!  
Бироқ у чоғ эди ҳар ким ўйи ёлғиз:  
Чўзилсаю шундоққина,  
Мизғиб олса,



Сезмасдилар шом кириб тонг отганин-да,  
Сезмасдилар бошларга тош ботганин-да  
Ва бир умр ширин эслаб юрардилар —  
Медеонинг бағрида тош қотганин-да.

Тўғон боши тўла эди оломонга,  
Улар ичра кўзим тушди уч ўғлонга.  
О, ўқувчим,  
Эсингдами улар учов?  
Лим-лим эди улар дили ўт-армонга.

Уйғонишиб улар ҳар тонг қуёш билан,  
Дардларини ичга ютиб бардош билан,  
Эдельвейслар улашишар одамларга  
Чехраларни ювиб дув-дув кўз ёш билан.

Лек машъум кун,  
Машъум соҳил дилдан кетмас  
Ва шу ёққа элтмоқдалар ушбу нафас —  
Гулларини.  
Одамлар, эл бу қирғоқни  
«Қизларкетган» деб аташса ажаб эмас.

Кўз намланмас  
Мавжланмаса қалб агарда,  
Шодмон эди барча қувонч, зафарлар-ла.  
Ғолиблар шан қуршовида борар Раҳбар —  
Мутахассис, инженерлар, раҳбарлар-ла.

Ҳаёт эди Олмаота, эди омон,  
Истиқболга юз бурганди  
Яшнаб чандон.  
Ҳовлилардан чиққан ғозлар  
Етаклашиб,  
Савлат тўкиб ўтишарди сойлик томон.

Сарин эпкин қанот ёзмиш яна ғолиб,  
Адирларнинг ва боғларнинг тараб болини.

«Оби ҳаёт келмоқда...» деб шивирларди  
Гулзорларни суюнчилаб,  
Бўса олиб.

Келарди сув  
Таманнолар қилган мисол,  
Мавжларида оқ кўпигу ўзи зилол.  
Ёз осмони гарчи эди тиниқ, зангор,  
Пасайгандек кўринарди тафти хиёл.

## 8

Сел ҳам ўтди,  
Хавфи унинг йитиб кетди,  
Бу орада икки йил ҳам ўтиб кетди.  
Бегумонки,  
Доскадаги бўр ёзувдай  
Хотирадан талай туйғу ўчиб кетди.

Унут бўлмас минг тўққиз юз етмиш уч  
лек,  
Ҳануз унинг доврўғ ваҳми билмайди чек.  
Ҳар оғизда ҳар хил миш-миш кезар бе-  
шак,  
Зотан кимки нима деса, ўзида эрк.

Биров сўйлар  
Кўзи билан кўрган бўлиб,  
Ёвуз селга нақ бақамти келган бўлиб.  
Биров сўйлар  
Қизгин, долзарб паллалардан  
Юрагига алланечук фахр тўлиб.

Тоғ йиқишни ёқлагандик биз ҳам, дерлар,  
Ўжар сел-ла олишувдан биров сўйлар.  
Лек барчанинг тилида бир шукроналик:  
«Не кечарди бўлмаганда Медео гар?..»

Кўмилмайин қолди шаҳар лой-харсангга,  
Бироқ офат жунбуш этиб турган дамда  
Бир Медео қурби қайга етар эди,  
Фидойилар жон олиб жон бермаганда?

Не кечарди — топилмаса мардлик, тугён?  
Не кечарди — бўлганида эски замон?  
Гарчи булар ҳақиқатдир очиқ-ойдин,  
Лекин дилда зикр этмоқлик жоиз бир он.

Биз-чун ётдир  
Ўзгаларнинг ишин алқаб,  
Юракдан ҳис этмай туриб,  
Мақтамоқ зап.  
Зеро қуруқ, эҳтироссиз мушоҳада  
Бамисоли чайналмаган луқмадай гап.

Шартмас доим сўйламоқлик теран, доно,  
Болалардай ҳайратланмоқ баъзан аъло.  
«Қачон? Қайда? Нега? Нечун?» сўроқла-  
рин  
Нашъасини соғинади юрак гоҳо.

Жиноятмас лаёқатсиз тугилмоқ, ҳа,  
Кўп иш келар нўноқларнинг қўлидан-да.  
Жасоратни унутмоқлик —  
Бу жиноят,  
Адолатсиз саналгай бу ўлимдан-да.

Лутфикордир шаҳримизнинг чаман-боғи,  
Меҳмонларнинг адоғи-йўқ, йўқ саноғи.  
Зиёратгоҳ бу кун машҳур Медеомиз,  
Мақкага ҳам бунча сайёҳ бормас чоғи.

Келар улар ер юзининг бэр бурчидан,  
Баъзилари чўнг  
Ҳайратга толар бир дам.

Баъзилари шаҳримизга қизиққандан  
Саволларин қалаштириб ташлар бирдан.

Гарчи донғи дунё аро машҳур жуда,—  
Офат билан олишувлар борасида,—  
Ажаб, кўкрак кериб,  
Савлат тўкиб тўғон  
Ётар бу кун баланд тоғлар орасида.

Утса ҳамки йиллар,  
Утса ҳамки аср,  
«Лаббай» дегай ундан ҳар чоқ қодир насл.  
Инсоният қудратига обида у,  
Фарзандидир ўз даврининг — содиқ, асил.

Ҳа, сел катта сабоқ бўлди бизлар учун —  
Шу кунларнинг ғам-ташвишин қилиб  
якун,  
Янги тоннель бунёд этдик — эҳтиёт шарт,  
Ҳатто поезд сиғиб кетар унга бу кун.

Тийиқсувдан аримайди одам доим,  
Тилсими кўп,  
Лек қаршилар куш, мулойим,  
Кўм-кўк мавжлар узра сузар қайиқлар  
шан.

Чўққилардан эса музлик хўмраяр жим.

Табиат-ку,  
Сийлаб қўймас хавф-хатарсиз.  
Шу боисдан сел хуружин зикр этиб биз,  
Ҳозирча тинч, осойишта Тийиқсувнинг  
Томирин ҳар уришидан бохабармиз.

Кўнгунича чўққиларга илиқ кўклам,  
Иастликларга музлик карахт боқар кўк-  
дан.

Кўринади — Чимбулоқнинг булоқлари,  
Кўринади — Мингйилқию Қизларкетган.

Этакларда мудраб ётар ёвқур шаҳар,  
Боғлар мўлдир,  
Мўлдир унда толе, зафар.  
Ярашгайдир ул жасорат шарафига  
Шу боғларда буюк ҳайкал қўйилса гар.

Буюк ҳайкал бордир зеро,  
У — ҳов тўгон!  
Сақлаб қолди у шаҳарни селдан омон.  
«Гар Медео бўлмаганда...» деб шукрона  
Унинг номин тилдан қўймас ҳар хонадон.

Шундай қилиб достоним ҳам бўлди охир.  
Сел ҳақида нени билсам, этдим зоҳир.  
Сел — баҳона.  
Ёзганларим нечук бўлсин —  
Сен ҳақингда, ўзим ҳақда бўлмай ахир?!

Шеър руҳимнинг озиғидир,  
Жоним менинг,  
О, ўқувчим,  
Куйлай дейман қалбинг сенинг,  
Зафарларнинг асосига боққин теран,  
Шу замона  
Заминидир барчасининг.

Дилда борин айтиб бўлдим.  
Сўзим тамом.  
Мухтасарлик, мумтозликка йўқдир давом.  
О, ўқувчим,  
Уйла,  
Фикр эт  
Ва достоним  
Давомини юрагингда эттир давом!

## МУНДАРИЖА

### ШЕЪРЛАР

Она юртимга. <i>Ю. Шомансур</i> таржимаси. . . . .	5
Атака. <i>Г. Нуриллаева</i> таржимаси . . . . .	6
Ватан. <i>Г. Нуриллаева</i> таржимаси . . . . .	7
Соғиндим, <i>Ёйиқ, Ю. Шомансур</i> таржимаси. . . . .	9
Қўшиқ. <i>Г. Нуриллаева</i> таржимаси . . . . .	10
Солдат шеъри. <i>Г. Нуриллаева</i> таржимаси. . . . .	11
Шарқда тукқан элим бор. <i>Ю. Шомансур тар-</i> <i>маси</i> . . . . .	12
Жангчи <del>қизга</del> . <i>Г. Нуриллаева</i> таржимаси. . . . .	13
Менинг халқим. <i>Г. Нуриллаева</i> таржимаси . . . . .	14
Муҳаббатни танласам. <i>Г. Нуриллаева таржимаси.</i>	15
Овулимнинг тутуни. <i>Г. Нуриллаева таржимаси</i> . . . . .	17
Оқ <i>Ёйиқ, Г. Нуриллаева</i> таржимаси . . . . .	18
Оққуш. <i>Г. Нуриллаева</i> таржимаси . . . . .	20
Оқин бахти. <i>Ч. Эргаш</i> таржимаси . . . . .	21
Иртишда. <i>Ч. Эргаш</i> таржимаси . . . . .	22
Комсомол ул — мангу ёшлик. <i>Ч. Эргаш таржи-</i> <i>маси</i> . . . . .	23
*Дўстга жавоб. <i>М. Мирзаев</i> таржимаси . . . . .	25
Байрам арафасида. <i>Ч. Эргаш</i> таржимаси . . . . .	28
Асқарга хат. <i>Ч. Эргаш</i> таржимаси . . . . .	30
Олтин орқа. <i>Ч. Эргаш</i> таржимаси . . . . .	32
*Йигирма беш. <i>М. Мирзаев</i> таржимаси . . . . .	35
Сайр этиб кўр Олмаотани. <i>Назармат таржимаси</i>	37
Солдат тақдири. <i>Ч. Эргаш</i> таржимаси . . . . .	39
Оққувим. <i>Ч. Эргаш</i> таржимаси . . . . .	41

Қозоғистон кўклами. Ч. Эргаш таржимаси . . .	42
Умр ҳақида шеърлар. Р. Абдурашид таржимаси	44
Ошиқ кўз билан. Р. Абдурашид таржимаси . . .	49
Кўкчатоғ. Р. Абдурашид таржимаси . . . . .	51
Пойга. Назармат таржимаси . . . . .	53
Мен аскарман. О. Ҳожиева таржимаси . . . . .	56
Агар ўт бўлсанг. О. Ҳожиева таржимаси . . . . .	57
Олма терган Лайло қиз. О. Ҳожиева таржимаси	58
Тушимда кўрдим, онажон. О. Ҳожиева тар- жимаси . . . . .	59
Юксакдаги олов. О. Ҳожиева таржимаси . . . . .	61
Мен сени ўлан учун ўйлаб топдим. О. Ҳожиева таржимаси . . . . .	62
*«Соғиниб чақирдим». М. Мирзаев таржимаси . . . . .	64
*Чўпон. М. Мирзаев таржимаси . . . . .	65
*Бокс қонуни бўйича. М. Мирзаев таржимаси . . . . .	67
*Уфқ ва коинот. М. Мирзаев таржимаси . . . . .	68
*Нон. М. Мирзаев таржимаси . . . . .	70
*Минг раҳмат сенга. М. Мирзаев таржимаси . . . . .	72
*Куз. М. Мирзаев таржимаси . . . . .	74
*Йиллар. М. Мирзаев таржимаси . . . . .	76
Сарғайган дафтардан шеърлар. Р. Абдурашид таржимаси . . . . .	78
Ўнутилган ўланлар. О. Ҳожиева таржимаси . . . . .	81

#### ДОСТОНЛАР

Салом айтдим. О. Ҳожиева таржимаси . . . . .	84
*Сел. М. Мирзаев таржимаси . . . . .	95

© Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-  
риёти, 1981 й. (тарж.)

*На узбекском языке*

*«Библиотека Дружбы»  
Поэзия народов СССР*

**Джубан Мулдагалиев**

**ВЕСЕННЯЯ СТЕПЬ**

**Стихи и поэмы**

*Перевод с казахского издания издательства «Жазушы»,  
Алма-Ата — 1979*

**Редактор М. Аъзамов  
Рассом А. Маҳкамов  
Расмлар редактори А. Бобров  
Техн. редактор Э. Саидов  
Корректор Д. Муҳитдинова**

**ИБ № 1672**

Босмахонага берилди 05.03.81 й. Босишга рухсат этилди 15.10.81 й. Формати 70×90<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 1. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 5,56 +0,36 вкл. Нашр. л. 5,26+0,6 вкл. Тиражи 10000. Заказ № 1417. Ваҳоси 90 т. Рафур Ғудом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янги-йўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.